



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 20-oktabr № 126-127 (3008) payshanba

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2011 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини кўриб чиқишга бағишланди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, бозор ислохотларини ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда)

● «Биз – бунёдкор халқмиз» фототанловига



● Моҳир кулол ●

Фарғона вилояти Риштон тумани азалдан моҳир кулоллари билан машҳур. Истиқлол йилларида халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор Риштонда ҳам ўз самараларини бераётир.

Буни «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Тоҳир Ҳайдаров фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Уста ясаган ранг-баранг кулолчилик буюмлари санъат мухлисларида доим катта қизиқиш уйғотади. Кулол ўз

хунарини ёшларга ўргатишдан чарчамайди.

Суратда: кулол Тоҳир Ҳайдаров ўғли ва шогирди Элбек билан.


Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган сурат

САҲИФАЛАРИМИЗДА



Тилга эътибор — элга эътибор

5



Самарқанд — юртим гавҳари

8



Болалар қаяқдан пайдо бўлади?

11

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Қайд қилиндики, жаҳонда ислохотларнинг «Ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчил ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулотни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш экспорт ҳажмининг 21,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминлади.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари натижаларини ва кейинги йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўтказишнинг боришини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жорий йилда сув кам бўлганига қарамай, агротехника тадбирларининг бутун комплексини ўз вақтида ўтказиш, суғориш сувини қатъий лимитлаш ва ундан оқилонга фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларининг омилкорлиги мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини етиштириш имконини берганлиги қайд этилди. 2011 йил пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳамма жойда тугалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмалари раҳбарияти олдида пахта хомашёси ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллашни жадаллаштириш, кузги бошокли экинлар экиш, кузги шудгорлаш тадбирларини амалга ошириш, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани қишга гамлашни ташкил этиш ишлари натижаларини танқидий кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, «Ўзбек-кэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2011-2012 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлаши таъминлаш, табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмда гамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, куз-қиш даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли қондириш учун уларнинг захирасини тизимли равишда ички бозорга чиқаришни таъминлаш юкланди.

2011-2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис иштирокчилари эътиборини марказида бўлди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида озик-овқат, енгил саноат, кимё саноатида, машинасозликда, қурилиш материаллари саноатида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга ўсишини ва 2,3 миллиард доллардан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлади.

Бир қатор компаниялар, уюмлар ва йирик корхоналар раҳбарлари олдида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш, шу жумладан, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини жадал ва сифатли ишлаб чиқиш, тендер савдолари ўтказиш ва зарур молиявий ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосар-

лари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига тасдиқланган Рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги турларини ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури амалга оширилишини ташкил этиш юзасидан кўшимча чоралар кўриш вазифаси юкланди. Шунингдек, улар томонидан 2012 йилнинг ишлаб чиқариш дастури бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) буюртмалар портфелини шакллантириш ҳамда хомашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мажлисида иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омиллари сифатида ички талабни ошириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга, чакана товар айланмаси 16,2 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори ички талабни янада рағбатлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришга йўналтирилган кўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Мажлисида 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг мақсадли параметрлари бажарилиши ва лойиҳалари амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди. 2011 йилнинг 9 ойида умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга 234,8 км. автомобиль йўллари асфалт-бетон билан қоплаш, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистралли участкаларини қуриш бўйича йўл-қурилиш ишлари бажарилди. Йил бошидан буён намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та яқка тартибдаги уй-жой, шунингдек, 2194,2 км. сув қувурлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 1934 км. сув қувурлари барпо этилди.

Муҳокама давомида Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига янги қишлоқ турар жой массивларига зарур муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш, аҳолининг сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш

ва Ўзбекистон миллий автомагистралли бўйлаб йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Республиканинг қайд этилган ҳудудлари раҳбарлари олдида жорий йилда назарда тутилган инфратузилма объектларини ишга туширишни жадаллаштириш ва 2012 йилга мўлжалланган объектларни қуришни ўз вақтида бошлаш учун тайёргарлик кўриш ишларини яқунлаш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисида 2011-2015 йилларда республиканинг молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш дастурини амалга оширишнинг бориши муҳокама қилиниб, кўриладиган чора-тадбирлар республика молия-банк тизимининг молиявий барқарорлиги сақланиб қолишини ва мустаҳкамлигини таъминлаётганлиги қайд этилди. 2011 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга ошди. Аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми қарийб 1,5 баравар кўпайди. Банклар ресурс базасининг ўсиши уларнинг иқтисодиёт реал секторига кредит қўйилmalarини 35,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбариятининг эътибори банкларни янада ислох қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, баҳолашнинг халқаро тизимлари асосида уларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини йилнинг ҳар чорагида баҳолаш механизмининг жорий этиш иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлашни кенгайтириш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида 2011-2015 йиллар даврида иқтисодиётдаги ислохотларни чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ макроиқтисодий кўрсаткичларни ва мамлакатда ишбилармонлик муҳити шакллантирилиши даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторларининг янги тизimini жорий этиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижалари батафсил таҳлил қилинди. Макро-иқтисодий кўрсаткичлар мувозанатлигининг асосий индикаторлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти халқаро мезонларга мувофиқ барқарор юқори кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари

ўртасида ўтказилган сўров натижалари ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолати ва қутилаётган ўзгаришлар барқарор ижобий баҳоланаётганлигидан далолат бермоқда. Бунга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбирлари амалга оширилиши ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиботларини анча соддалаштириш ва арзонлаштириш, бир қатор рухсат бериш тартиботларини қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини кенгайтириш, банк кредитлари бериш механизмларини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишларни тубдан қисқартиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматнинг 20 тадан ортиқ ҳужжати қабул қилинганлиги ҳам қўмақлашди. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз ўрнига 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари 26,5 фоизга ўсди, уларнинг маҳсулоти экспорти эса 1,6 баравар кўпайди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари зиммасига Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни мунтазам ўрганиш, улар фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашини ҳолатларини тезкор аниқлаш ва бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш вазифаси юкланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиб борасида кўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Эришилган барча ютуқларда касабани уюшмаларининг ўзига хос ўрни бор. Ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб бораётган тизим ходимлари жойларда ташкилотлар ичига чуқурроқ кириб боришга муваффақ бўлишмоқда. Соҳа фаолиятининг бундан тақомиллашувида Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида Бош келишувнинг имзоланиши, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин, соҳа фаолиятида муҳим ҳодиса бўлди. Негаки, янги келишувга доир тузилган ҳудудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари янги талқинда, қайтадан кўриб чиқилди. Бу эса меҳнаткашларга кенг имтиёзлар яратиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шу йўл билан ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш имконини берди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК САМАРАСИ

Сўнгги пайтда Агрисаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Навоий вилояти кенгаши тасарруфида аъзолар сони бирмунча ортганини кўриш мумкин.

— Барча туманлар ҳудудида аъзолар ичига кириб боришни, уларнинг дардини тинглашни ўз бурчимиз деб биламиз. Куни кеча вилоятда биринчи бўлиб пахта ҳосили йиғим терими шартномавий режасини адо этган Қизилтепа туманидаги аъзолар қувончига шерик бўлиб қайтган эдик. Бугун бу шериклик бизни Навбахор туманининг «Туркистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган фермерлар далалари томон бошлади, — дейди Агрисаноат ходимлари касабани уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шариф Худойкулов. — Ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, илғор теримчи ва ҳашарчиларга беш дона қимматбаҳо гилам, 30 га яқин турли совға-саломларни топширишни ният қилдик.

«Ижанд» ва «Наврўз» фермерлар уюшмаси минтақасида дех-

қончилик қилаётган 28 та фермер хўжалигининг 90 фоиздан кўпроғи октябр ойи бошларидаёқ пахта топшириш шартномавий режасини ошиғи билан адо этишди. 98 гектар майдонга сара чигит қадаган «Қирарик» фермер хўжалиги далаларида ҳали ҳосилнинг биринчи терими тугагани йўқ. Низом ака Тангриев сардорлик қилаётган «Тангри Жамол» фермер хўжалиги далаларидаги ҳосилдорлик ҳам қирарикликларникидан қолишмайди. Басма-басига меҳнат қилаётган заршуносларнинг ҳар гектардан олаётган ҳосиллари 43-45 центнердан кам бўлмаётгани чинакам тадбиркорлик намунаси дидир.

Вилоятнинг тахрибали дехқонларидан саналмиш «Қирқарик» фермер хўжалиги сардори Тошпўлат Аҳмедовнинг фикрича, юқори натижаларнинг сақлаб турилишида энг аввало, манфаатдорлик асосий ўрин тутарди. Бунинг учун аъзоларга галла ўрими йиғими даврида 1,5 тоннадан бугдой, 40-50 литргача пахта мойи, 600 кг. дан ем тарқатилди, зарур

бўлганда ёрдам қўли ҳам узатилмоқда.

Минтақада ном таратган «Тўқсон бобо» фермер хўжалиги раҳбари Мўмин Жўраев, «Алибек полвон» фермер хўжалиги сардори Жўракул Алибековларнинг саховатпешалик бобидаги ибратли ишларини ҳам алоҳида қайд этиш ўринли.

«Янги куч» маҳалласи ҳудудидаги «Ижанд» гузаридида олиб борилаётган туб ислохотлар таҳсинга сазовор. Эндиликда кўргонча мақомини олаётган қишлоқ марказида бир йўла ўнлаб савдо ва маиший хизмат нуқталари қад ростламоқда. «Навбахор-Хатирчи» асосий автомобил йўли қурилишининг янгитдан иш бошлаши қувонарли ҳол бўлди. Мавжуд 4 та касаначилик цехи, балиқчилик, асаларчилик, ҳатто мебелсозлик йўлга қўйилганлиги боис ўнлаб ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди. Хуллас, саъй-ҳаракатлар самараси ҳозирданок буй кўрсатмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Юридик шахс мақомига эга бўлган 571 та муассасада жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар орқали 27 700 нафар ходим манфаати ҳимояланмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 11 та ҳудудий, 2 та тармоқ келишувлари амал қилмоқда. Иш кўламини шундан ҳам билса бўладики, вилоят халқ таълими тизимидаги жамоа шартномалари бандларини бажариш учун ўртача ҳар бир ходимга 239 минг сўм маблағ сарфланди. Халқ таълими ходимлари ва уларнинг фарзандлари саломатликларини муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 119 нафар кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар республика санаторийларига йўлланма олди. Бу мақсадлар учун 46522,2 минг сўмлик ижтимоий суғурта маблағи ажратилди.

Инсон қадри улугланган юрт

Кам таъминланган таълим ходимларининг 292 нафар фарзанди шаҳардан ташқари оромгоҳларда дам олдирилди. Шундан 192 нафарига касабани уюшма маблағидан бепул йўлланма берилди. Уларга 22 млн. 478 минг 500 сўм маблағ сарфланди. Мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 1550 нафар кичкинтой дам олдирилди. Бунга ҳомийлар томонидан 54 миллион 250 минг сўм ажратилди.

Вилоятимизда имконияти чекланган болаларнинг ўз уйларида таълим-тарбия олиши ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улардан 40 нафари вилоят ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмағида шахсий компютер билан таъминланди. Таълим муассасаларида 4476 та фан ва спорт тўғрраклари ташкил этилган бўлиб, уларга 61 230 ўқувчи жалб қилинган. Шунингдек, 24 та мактабдан ташқари муассасалардаги тўғрақларда 1400, спорт секцияларида эса 9560 нафар ўқувчи бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Боёвут, Ховос, Сардоба, Сирдарё, Мирзаобод туманлари бирлашган касабани уюшма кўмиталари томонидан 890 нафар ўқитувчига Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби кўҳна шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан халқ таълими тизимида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида «Муқаддас Ватанда устоз қадри буюқдир!» форуми ўтказилди. Унда 11 100 нафар таълим ходими иштирок этди. Анжуманда 11 нафар устоз ўқитувчиларга республика сихатгоҳларига бепул йўлланма тақдим этилди. Бепул йўлланма олганлар орасида 50 йилдан зиёд меҳнат фаолиятини таълим-тарбияга бағишлаган 72 ёшли ўрол Халиловдек инсонлар борлиги қувонарли. Жойларда ўтказилган «Маънавият соатлари»да мамлакатимизнинг фан, адабиёт, маданият, санъат арбоблари, танқили журналистлари иштирок этди. Тадбирларда 4180 нафар таълим ходимлари, фахрийлар, маҳалла фаоллари, кекса ўқитувчилар иштирок этишди.

Кези келганда қайд этиш жоизки, янги ўқув йили ўзига хос тарзда кутиб олинди. 2600 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2885 нафар фарзандига 27 626 минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди. Касабани уюшма маблағидан 197 нафар кам таъминланган оилага 5 093 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мана, олти йилдирки, Гулистон Давлат университети ректорати ва касабани уюшма кўмитаси ташаббуси билан Тошкентда «Қишки фаоллар мактаби» ишлаб турибди. Унда ҳар йили 60 нафар талаба тадбирда қатнашиш билан бирга, саломатлигини мустаҳкамлаб қайтади.

Ўрта махсус касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уч йилдирки, вилоят тармоқ касабани уюшма кенгаши стипендияси жорий этилган. Мирзаобод қурилиш, уй-жой хўжалиги касб-хунар коллежидан М.Хонова, Гулистон академик лицейидан Д.Шербекова, Сирдарё педагогика коллежидан Ч.Шокировлар касабани уюшма стипендианти саналишади. Шунингдек, ГулДУ талабалари А.Аюбжонов, И.Тўраҳўжаевнинг ҳар бирига Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари МК томонидан 2 миллион 400 минг сўмдан контракт пули тўлаб берилди. Мазкур олийгоҳ талабалари Ё.Қаршиев, С.Шербеклар республика тармоқ касабани уюшмаси МКнинг стипендиантидир.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масаласи Пленум ва раёсат йиғилишлари кун тартибидан доимий ўрин олиб, тегишли қарорлар ижроси таъминланмоқда.

Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси

Истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабани уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши томонидан «Чимён» дам олиш масканида ташкил этилган минтақавий ўқув-семинар бошланғич ташкилот етакчилари учун айна муддао бўлди. Унда ташкилотнинг меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ҳаракатини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ва истиқболлари тўғрисида фикр юритилди.

Ўзаро фикр алмашилди


Вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг масъул ходимлари И.Тошпўлатов, М.Акрамова, Ш.Раҳимхўжаевлар жамоа шартномаси бандларига қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар киритиш, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳуқуқларининг қонуний асослари сингари кўплаб масалалар бўйича маслаҳатлар беришди.

Жорий йилда енгил, мебел саноати маиший хизмат ходимлари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш касабани уюшмалари бирлашган эди. Ўтган вақт оралиғида амалга оширилган фаолият юзасидан тармоқ касабани уюшма бошланғич ташкилоти раислари билан таҳриба алмашилди.

Д.ГОФУРОВА,
«Quva tekstil» масъулияти чекланган жамиятининг касабани уюшма кўмитаси раиси

Ҳашар — элга ярашар

Ҳашар азалий эзгу анъаналаримиздан. Бебаҳо бойлигимиз бўлган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари ҳам баҳоли қудрат хисса қўшмоқдалар.



Уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, зарур санитария шароити яратиш, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, илғор теримчиларни тақдирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тармоқ касабани уюшма ташкилотлари томонидан 405 нафар илғор теримчи рағбатлантирилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси шаҳар кенгаши тизимидаги муассасалар бошланғич ташкилотлари 172 нафар ҳашарчига қимматбаҳо совғалар топширди.

Агрисаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси кенгаши тасарруфидаги корхона-ташкilotларнинг ишчи-хизматчилари Тошкент вилоятининг Чиноз, Куйичирчиқ, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманларида пахтакорларга кўмак беришмоқда. Теримчилар учун барча шароит яратилган бўлиб, илғорлар рағбатланти-

рилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг 200 нафардан ортиқ ходими ҳам йиғим-теримда хисса қўшмоқда. Янгийўл туманидаги фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ҳашарчиларга маъмуриятлар ва ЎзФА бирлашган касабани уюшма кўмитаси томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Йиғим-теримда фаол қатнашган ходимларга пул мукофотлари берилди.

«Фотон», «Оникс», «Тошкент трактор заводи», «Агрегат», «Ўзэлектроаппарат-электротшит» очик акциядорлик жамиятларидан 215 нафар ҳашарчи Юқоричирчиқ, Боёвут ҳамда Оққўргон тумани далаларида пахта термоқда. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, керакли анжомлар билан таъминлаш мақсадида корхоналар томонидан 47 млн. сўм микдоридида маблағ ажратилган.

Ёқилги-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари кенгаши тизимидаги корхона-ташкilotларнинг ишчи-хизматчиларидан 199 нафари эса Тошкент ва Сирдарё вилоятлари дехқонларига кўмак берапти. Шунингдек, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси кенгаши 120 нафар, кенгаш тасарруфидаги ташкilotлар 1270 нафар теримчини рағбатлантирди. Тармоқ касабани уюшмалари ташкilotлари ҳашарчиларни иссиқ кийим-кечак, пойабзал билан таъминламоқда.

Бахтиёр ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар касабани уюшма ташкilotлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари

21 октябр — ўзбек тилига



Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган илк қадамлардан бўлган. Тилимизга нисбатан камситиш, идораларнинг иш юритишидаги чалкашликларга барҳам берилди. Конституциямизнинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», дейилган.

Истиқлол йилларида ушбу йўналишда ижобий ишлар амалга

оширилди. Аввало, қонунлар ўзбек тилида яратиладиган, идоравий ҳужжатлар она тилимизда юритиладиган бўлди. Нодир илмий, бадий асарлар таржима қилинди.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Уларнинг миллий маданиятлари, урф-одат, анъана ва тилларига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлинмоқда.

Миллат кўзгуси

1992 йилда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Дастлаб 12 та миллий-маданий марказни бирлаштирган жамоат ташкилоти бугун юздан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб келмоқда. Мамлакатимизда истиқо-

мат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши

учун кенг имкониятлар яратилган. Кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшитиришлар олиб борилаётгани ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Зулфия НИЗАМУТДИНОВА,
Шайхонтохур туман
Давлат нотариал идораси
нотариуси

Луғатимда сўзим анча кўп,
Қайси бири билан бошлайин?

Сиз билан ўртоқлашмоқчи бўлган фикрларимни қандай бошлашни билмай турганимда Усмон Носирнинг ушбу мисралари ёдимга тушди:

«Дунё Яратувчининг «БЎЛ!» деган сўздан яралган. Сўзнинг сеҳрли кудрати бор, сўзлаганда сергак бўл!» деб тез-тез такрорлайди бувим. Бу гапларни насихаттўйликка йўйиб, кўпам эътибор бермасдим. Сўнгги кунларда содир бўлган айрим воқеалар сўз ва сўзлаш ҳақидаги бувимнинг гапларини мулоҳаза қилишга ундади.

Сўзлаганда сергак бўл!

Яқинда шундай бир муҳитга тушиб қолдим. Бу тоғ бағрида дам олишни ният қилиб йўлга отланган бир гуруҳ ёшлар давраси эди. Аввалига эътиборимни тортмади. Юқори пардадаги овозлар, ҳаддан ташқари эркин хатти-ҳаракатлар уларни кузатишимга сабабчи бўлди. Саёхатчиларнинг суҳбати бошдан-оёқ сўкинишга қорилган бўлиб, бир қарашда улар ниманидир талашиб-тортишаётгандир, деган фикр уйғотади кишида. Яхшилаб разм солсангиз, дўстона оҳангда янграётган ҳақоратлардан ҳеч ким хафа эмас. Ёмон томони, жамоат жойида ҳақоратдан қурилган суҳбат кўпчиликка эшитилиб турса-да, ёши катталар ҳам бунга шунчаки томошабин...

Роппа-роса бир ҳафта бурун автобусда 35-40 ёшлардаги бир кишининг телефондаги суҳбатини бехосдан эшитиб қолдим. Йўқ, бехосдан эмас, бу суҳбат бутун автобусга баралла эшитилиб турарди. Хуллас, жамоат транспортда кимнидир бор овозда ҳақорат қилган бу одам ҳеч нима бўлмагандек йўловчиларга беҳижолат қарарди. Захирасидаги сара сўкинишлар гўё унга тегишли эмасдек.

Кўшнимнинг ширингина қизалоғи бор. Икки ёшга кириб улгурмаган боланинг тили эрта чиқди. Кечагина қизалоққа сўкишни ўргатаётганларига гувоҳ бўлдим. Кўзим билан кўрмаганимда ишонмасдим, айтсам, балки сиз ҳам ишонмасиз. Болакайга беминнат устозлик қилаётган шахс — унинг меҳрибон бувиси эди. Маҳалламизнинг обрўли аёлларидан бўлган, узоқ йиллар мактабда дарс бериб нафақага чиққан ўқитувчидан буни кутиш... Йўқ, тасаввур қилиш ҳам қийин.

Факултетимизда футбол мусобақаси ташкил қилинди. Талабалар фаол қатнашди. Биз ҳам гуруҳдошларимиз иштирокидаги ўйинни томоша қилдик. Аммо майдондаги сўз ўйинлари бизни хижолат қила бошлади. Футболчиларнинг оёқлари тўп тепса, тиллари сўз тепарди. «Урса эти, сўкса бети қотади», дейди доно халқимиз. Қарасам, аста-секин қулоқларим қотиб (ўрганиб) боряпти. Мусобақа бошида қизариб эшитган сўзларни кейинчалик анча бепарво тингладик. Яхшиямки, ўйиннинг якуни бор.

«Оғиз — тананинг ҳалол аъзоси. Ёмон сўзларни тилга олиб, уни ҳаром қилдинг. Оғзингни ювиб кел, луқмангни ҳам ҳаром қилма!» деб маҳалламизнинг шўх болаларига бувим тез-тез танбех беради. Бировга насихат қилмоқчимасан. Аммо пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Ким мен билан ҳавзи кавсарнинг устида кўришмоқликни ният қилса, тилига эҳтиёт бўлсин. Ножои сўзларни сўзламасин!» деган эканлар. Биз эса тилнинг суяги йўқ, деб ўзимизни оқлашдан чарчамаймиз. Ахир, ақлимиз тилимизга суяк эмасми?

Дилроз АБРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Куласизми, куясизми?

Матбуотимизда кўнгилочар нашрлар сони йил сайин тобора ортиб бормоқда. Аммо сифат борасида бу гапни айтиш қийин. Уларга нисбатан «сариқ матбуот», «кўнгилочар газета», «енгил матбуот» атамалари ишлатилади. Чунки барчаси бир-бирига ўхшаш.

Уларда чоп этилаётган мақолаларда баъзан муаллифларнинг масъулиятни ҳис қилмаслиги, фикрини ғализ ифодалаш сизилади. Бу, айниқса, суҳбат ва интервьюларда яққол кўринади. Масалан, «Даракчи» газетасининг 2011 йилдаги 7-сонидан актёр Алишер Узоқовга шундай савол берилди: «Сўнги пайтларда ТВда клипларнинг айланмаяпти...». Бу ўринда журналист «айланмаяпти» сўзи ўрнига «эфирга узатилмаяпти», «намойиш этилма-япти» каби ибораларни ишлатса бўларди. Суҳбатларда шахсий ҳаётга оид саволлар кўп учрайди. Жумладан, муҳбир А.Узоқовдан: «Режа бўйича тўй қачон?», «Танлаган кизингиз онангизга ёқармикин?» дея сўрайди.

Айниқса, журналист қиёфасида намоён бўлаётган хонандалар суҳбатида бу нарса яққол кўринади. Маса-

лан, «Сўғдиёна» газетасида хонанда Нилуфар Усмонованинг ҳамкасби Нигора Исмоиловага берган саволларидан мисоллар келтирамиз: «Инжик экансиз, асабингиз жойида эмас, назаримда, шифокорга кўринганмисиз?» ёки «Бетгачопарлик қилсангиз ҳам, асосийси, айтадиганимни айтиб бўлдим-ку, деб ғам чекмай юраверасиз». «Даракчи»да хонандалар Лола ва Райҳон бир-бирига қуйидаги саволларни беради: «Турмушга чиқшни истайсизми?», «Райҳонни кўнглини овлаш учун эркак қандай бўлиши керак?», «Уйда ўтирадиганлар вақти келиб қизиги йўқ даражага келишади деб ўйлайсизми?». Балки улар журналист бўлмагани учун масъулиятни ҳис қилишмас.

Бундан ташқари, русча сўзларнинг кўп қўлланилиши кузатилади. Мисол учун, бир суҳбатда: «Эшитишимча, ҳар

хил «интрига»ларни продюсерингиз ва дугонангиз Зиёда тарқатганмиш», дейилади. Мақолалардан бирига «Фарзандингиз наушникка ўргандими?» деб сарлавҳа қўйилган. Ахир тилимизда «қулоқчин» деган сўз бор-ку. «Даракчи»нинг 2010 йил 14-сонидан «ди-жей Шермат» муаллифлигида чоп этилган «Браканер хонандалар фаолиятига қийиш чизгилар» номли мақолада ҳам «наоборот», «азарт», «самоделка» каби русча сўзлар кўп учрайди. Ёки «телефонларимиз тутаб кетди», «барча режанинг «латта»си чиқади» сингари кўча гаплари ишлатилади.

Журналист ҳар доим касбига нисбатан масъулият ҳис қилиши шарт. Чунки у бир кишига эмас, жамият учун хизмат қилади.

Дилноза
МИРЗАЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Филология фанлари номзоди Неъмат Маҳамов ўзбек тилшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган заҳматкаш олимлардан.

1974 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (ТошДУ)нинг ўзбек филологияси факултетини тугатиб, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида лаборантликдан иш бошлаган Н.Маҳамов ҳозирги кунда Терминология бўлими мудири сифатида ёшларга устозлик қилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида институт касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни соғломлаштиришга, меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Айни пайтда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналда бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Унинг «Адабий норма ва плеоназм», «Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари» (хаммуаллифликда), «Ўзбек тилида лексик вариантлар» каби илмий монографиялари соҳа кишиларига яхши маълум. «Ўзбек тилида иш юритиш» қўлланмаси иш юритиш терминологиясининг шаклланиши ва бойиш манбаларини аниқлаш, мазкур соҳа терминлари қўлланишидаги ҳар хилликлар, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга, уларни тартибга солишга катта ҳисса қўшди.

Маълумки, луғатчилик миллий маданиятимизнинг равнақини кўрсатиб берувчи омиллардан биридир. Н.Маҳамов ўзбек тилшунослигининг катта ютуқларидан бири бўлган

Муносиб

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (5 жилдлик) яратилишида фаол қатнашди. Ушбу луғатда 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари қаррига яширинган нозик маънолар изоҳлаб берилган. Олим 12 жилдли «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг яратилишида нафақат тилшунослик ва ижтимоий фанлар бўйича илмий маслаҳат кенгаши аъзоси, балки бевосита тилшуносликка оид мақолалар муаллифларидан бири сифатида ҳам иштирок этди. Ҳаммуаллифликда яратилган «Иш юритиш» ама-

лий қўлланмасига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли 4 марта қайта нашр қилинди. Шунингдек, у «Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати»нинг муаллифларидан бири. Олим 3 та монография ҳамда 10 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. У 200 га яқин асарга муҳаррирлик ва тақризчилик қилган.

Н.Маҳамов нафақат илмий-назарий муаммолар, балки ўзбек тилининг илмий-амалий, илмий-методик масалалари

Давлат тили мақоми берилган кун



Дилафрўз Бобождонова Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Умид» мактаб-интернатда ўқувчиларга ўзбек тилидан сабоқ беради.

У ёш авлод онг-тафаккурида ўзбек тилининг бой имкониятлари, уни асраб-авайлаш, мавқеини янада мустаҳкамлаш каби тушунчаларни шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшаётган муаллималардан.

Дарс жараёнида у ўқувчиларнинг адабий тил меъёрлари, талаб ва қоидаларига амал қилишига алоҳида эътибор қаратади. Болалар нутқини ўстиришда турли интерфаол усуллардан кенг фойдаланади. Адабий, бадиий мавзулардаги мусобақалар, шеърят, газал-хонлик кечалари ва иншолар танловларининг мунтазам ўтказиши дарслар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суратда: ўзбек тили ўқитувчиси Дилафрўз Бобождонова 6-синф ўқувчилари (чапдан) Аселя Бакирова ва Гулнора Алимова билан.

Умар РАҲМОНКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Энг замонавий технологияларни ўзида мужассам этган оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетида замон билан бирга қадам ташлаиб, ахборот алмашинувида фаол иштирок этувчи етуқ кадрларни тайёрлашга эътибор қаратилаёпти. Бу борада факултетнинг «Ушбу ва таҳрир» кафедраси ўқитувчилари жонбозлик кўрсатишаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бурч ва масъулият ҳисси

— Кафедрамиз, асосан, она тилимиз қонун-қоидаларини ўргатиш, тилимиз бойлиги ва жиловларининг ОАВда тўлақонли акс эттирилишига катта кўмак беради, — дейди кафедра мудири, филология фанлари номзоди Латофат Тошмухаммедова. — Шунингдек, ноширлик ишлари, услуб ва таҳрир жиҳатдан мукамал журналистик материалларни тайёрлаш каби йўналишлар бўйича талабаларга сабоқ берамиз. Биргина мақолага сарлавҳа танлашни олиб кўрайлик. Маълумки, сарлавҳанинг турлари ниҳоятда кўп. Масалан, сўз, гап, ибора, мақол, шеъринг парчалар, ундов, сўроқ гагдан ташкил топган сарлавҳаларни мақола мазмунидан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаш лозим.

Ноширликда ҳар бир адабиёт турининг ўз таҳрир усули, талаби мавжуд. Таҳрирнинг умумий бир қоида бор. Матннинг мукамаллигига, муаллиф ҳуқуқларига дахл этмасликка ҳаракат қилинади. Бу борадаги керакли билим ва кўникмаларни ўргатиш кафедраси зиммасида.

— Журналист, умуман, ижодкор шаклланиш жараёнида ўз ижод лабораториясини яратиши керак. Бу нафақат унинг ўзига хослигини белгилайди,

воқеа-ҳодисаларга нисбатан янгича ёндашувга эришишини ҳам таъминлайди, — дейди филология фанлари номзоди, кафедра ўқитувчиси Зоир Тоҳиров. — Мавзу танлаш, асар таъсирчанлигини ошириш, тасвирда грамматик ва лексик воситаларни тўғри қўллаш, образ яратиш, зиддиятлардан унумли фойдаланиш, ҳолат ва урф-одатларнинг тасвири каби воситалар борки, ҳар биридан унумли ва ўринли фойдаланиш умумий ижод лабораториясининг яхлитловчи қисмлари ҳисобланади. Атоқли адилларимиз Абдулла Қодирий, Гафур Гулом, Ойбекнинг ижод лабораториясида юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг мукамал қўлланилганини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда турли жанрдаги, асосан, адабий асарларга ёзилган тақрирлар мақтов ёки эътирофдан нарига ўтмаяпти. Бу асар ҳақида фикр билдираётган муаллифнинг соҳани чуқур ўрганмагани, яъни таҳлил қилиб бормаслиги, асар камчиликларини ҳаспўшлашида кўринаяпти. Матн устида ишлаган мутахассис унинг таҳлили ва таҳририга жиддий ёндашса, ўша асарга нис-

батан қизиқишини ошириши аниқ.

— Матн таҳрири ва таҳлили оммавий ахборот воситаларининг барча турлари, жумладан, ноширлик ишида ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди филология фанлари номзоди, кафедра ўқитувчиси Фарида Эгамбердиева. — Муҳаррир, албатта, материални чуқур таҳлил этиши лозим. Гоҳи талабаларимиз: «Мақола-мизни ўзгартириб боришди, фикри-мизни қолдиришмади», дея таҳририятлардан норози бўлишади. Бу уларнинг таҳрир сирларини чуқур ўрганмаганидан деб ўйлайман. Вақти келиб хатосини англагач, ҳа, мен нотўғри ёзган эканман, дейиши шубҳасиз.

Умуман, кафедра ўқитувчилари талабаларга услуб ва таҳрир сир-асрорини фидойилик билан ўргатиб келаяпти. Ўқув дастурларини янада самарали қўллаш мақсадида кафедра ўқитувчилари ўтган йиллар давомида қатор ўқув ва услубий қўлланмалар чоп эттиришди. Бу жараён давом этмоқда.

Оммавий ахборотнинг қайси тури бўлмасин, албатта, унинг ўзига хос услуби, таҳририят нуқтаи назаридан таҳрири мавжуд бўлади. Таҳрир, аввало, тил жозибасини ёрқинроқ намойиш этса, услуб матннинг ўзига хослиги, керак бўлса, оммавийлигини таъминлайди. Кафедра ўқитувчиларининг мақсади ҳам бўлажак журналистларда ўзига хос услубни, таҳрир маҳоратини шакллантириш, устоз ижодкорлар тажрибасини ўрганган ҳолда замонага мос, янги йўналишларни кашф этишда кўмаклашишдир.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

билан ҳам доимий равишда шуғулланиб келади. Олимнинг бу соҳадаги мулоҳазалари ўрта умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юрталари учун тузилган ўзбек тили бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Бугунги тезкор тараққиёт

боғлиқ ҳолда олиб бормоқда. Унинг Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг магистратура босқичи талабаларига «Терминологиянинг назарий ва амалий муаммолари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Ўзбекистон телеканалда эфирга узатилган «Янги алифбони ўрганамиз» кўрсатуви орқали мазкур алифбони кенг жамоатчиликка етказишда ҳам олимнинг хизмати беқиёс. Унинг нутқ маданияти ва сўз танлаш маҳорати бўйича «Обдон ўйлаб, сўнг...», «Сўз ҳақида сўз», «Фикр кўзгуси тиниқ бўлсин» каби ўнлаб мақолалари кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотган.

Ўзбекистонда тестологиянинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган таҳлилий мақолалари мактаб дарсликларидagi камчиликларни бартараф этиш, тест саволларини мукамаллаштириш, миллатимиз келажаги бўлган ёш авлодга таълим бериш сифатини аниқлаш ва янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбек тили ва адабиёти» фанлари бўйича яратилган тест жамғармаларини вужудга келтиришда олимнинг муносиб ҳиссаси бор. У «Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум» муаллифи, «Она тили 6-синф», «Она тили 9-синф» дарсликлар

ри ва ўқитувчилар учун тузилган методик қўлланмаларининг масъул муҳарриридир.

Н.Маҳкамов «Она тили ва адабиёти бўйича масофавий ўқитиш» электрон дарслиги ҳамда «Ўзбекча матнлар электрон муҳаррири» учун Давлат патент идорасининг муаллифлик гувоҳномасини (хаммуаллифликда) олган. Кўп йиллик самарали меҳнати учун 2006 йилда «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Бағрикенг ва самимий дўст, дилкаш инсон Неъмат Маҳкамов табаррук 60 ёшини куч-қувватга тўлган ҳолда кутиб олаётир. Демакки, биз у кишига узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилаш билан бир қаторда, тилшунослик илмини ўзининг салмоқли тадқиқотлари билан янада бойитишидан умидвор бўлиб қолишга ҳақлимиз.

Зухра МИРАҲМЕДОВА, филология фанлари номзоди. Ориф ЖУМАЕВ, Ёрқинжон ХАЙДАРОВ, илмий тадқиқотчилар

«Ўзбекча гапиролмайман...»

Касб тақозоси билан турли анжуман, давра суҳбатларида қатнашамиз. Ана шундай тадбирлардан бири кино санъати вакиллари билан ўтказилди. Қарасам, улар орасида мен мухлиси бўлган актриса ҳам бор экан. Суюниб кетдим. Дарров унинг олдига бориб, газета учун бир неча саволга жавоб беришини илтимос қилдим. У «Ўзбек тилида гапиролмайман, русча гапираман, майлими?» деди русчалаб. Унинг ҳаяжонга тўла сўзларини эшитиб, хаёлимдан «Наҳот шу сўзларни ўзбек тилида айттолмас, она тилида шундай тўлқинланиб, тўлиб-тошиб гапиролмас, ўзбек қизи-ку, ахир» деган ўйлар ўтди. Рўпарамда мен севган актриса турарди. Унинг баъзи ролларини ҳатто йиғлаб кўрганман. Бирор образни яратар экан, қаҳрамон айтиши керак бўлган сўзларни шунчаки ёдлаб, тушуниб-тушунмай айтса ҳам бўлаверармикан?! Ўша қаҳрамонга ишониб (у билан) бирга кулиб, бирга дард чекаётган томошабинни алдаш мумкинми?!

Кейинчалик телевидение орқали айрим хонандаларнинг ўзбекча гапирлишига қийналиб, бошқа тилда интервью берганларини кўрдим. Ҳар қандай кўшиқ тингловчи меҳрини қозониб, қалбидан жой олиши учун хонанда ундаги дардни аввал ўз қалбидан ўтказиб (ҳис қилиб), кейин ижро этади, деб эшитгандим. Бироқ ўзбек тилида зўрға гапирётган бу хонанда кўшиқ маъносини англаб, маъзига этиб қуйлашига ишониш қийин.

Афсуски, бу эндиликда табиий ҳолдек қабул қилинадиган бўлиб қолди. Катта давраларда рус тилида гапирилиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Тўғри, хорижий тилларни билишимиз керак. Замон талаби ҳам шу. Лекин бу ўз она тилингни унутиб, бошқасини устун қўйишинг мумкин дегани эмас-ку.

Санъаткорлар, кўшиқчию актрисалар доим атрофдагилар эътиборида бўлади. Дилрабо куй кўшиқлари ёхуд яратган роллари учун уларни минглаб одамлар яхши кўради. Баъзи ёшлар ҳатто уларга ҳавас қилиб, улардек бўлишга интилади. Аммо она тилини яхши билмайдиган, унда бир оғиз гални эглаб гапиролмайдиган инсон бошқаларга ўрناк бўла олармикан?!

Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎЗДЖТУ талабаси

ҲИССА

сабаб илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари жадаллик билан ривожланиб, улардаги янги илмий ва техник тушунчаларни ифодаловчи терминлар тез суръатларда кўпайиб бормоқдаки, терминологияни тартибга солиш, терминларни танлаш ва қўллашда маълум мезон ҳамда меъёрларни ишлаб чиқиш масъулият билан ёндашувни талаб этади. Неъмат Маҳкамов тилшуносликнинг илмий-назарий масалалари билан чекланиб қолмай, ўз илмий тадқиқотларини педагогик фаолияти билан чамбарчас

«Муншаот тили ва услуби» курслари бўйича маърузалари барчага манзур.

Она тилимиз фидойиси Н.Маҳкамов 1986-1988 йилларда Кобул университетиде маслаҳатчи-профессор лавозимида фаолият юритди. Университетнинг филология факултетида ўзбек тили бўлимини ташкил этиш ва ўзбек тили бўйича ўқув дастурларини яратишда муносиб ҳисса қўшди. Афғонистонда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар яратишда раҳбарлик қилди.



● Касаба уюшма қабулхонасида

Интизомий жазо бекор қилинди

Бухоро давлат университети ҳисобхонаси ходимлари Л. Усмонова ва М. Арбобова муассаса раҳбариятининг уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш ва тўланиб келинаётган ҳар ойлик 50 фоиз устама маошини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлиб вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Бош ҳисобчининг маъмуриятга ёзган билдиргисида Л. Усмонованинг туғиш нафақасига чиқадиган ҳомиладор аёллар тўғрисида ҳисобот топширишни икки ойга кечиктирилгани ва 2011 йилнинг 1-чорагида асосиз талабномани бухгалтерия бўлимига тақдим этгани, шунингдек, функционал вазифасида ўқитувчи ва талабаларнинг даромадлари ҳақидаги маълумотларни ёзиб бориш талаб этилган бўлса-да, уни бажаришдан бош тортиб келаятганлиги кўрсатиб ўтилган. М. Арбобованинг эса махсус варақалар (БМЖ ва РЖ) бўйича чоралик ҳисоботлар ва унинг иловаларини тақдим этиш муддатини ўтказганлиги, ишга сабабсиз кечикиб келиши таъкидланади. Ушбу ҳолатлар юзасидан университет маъмурияти ходимлардан тушунтириш хати олади. Уларга «Хайфсан» интизомий жазосини қўллаб, ойлик маошига қўшимча устама тўловларни бекор қилади. Бироқ маъмуриятнинг ҳатти-ҳаракатлари мамлакатимиз меҳнат қонунчилигига мос эмас.

Меҳнат кодексига ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш унинг меҳнат шартномаси, лавозим йўриқномаси, буйруқ, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа йўриқномаларда белгиланган вазифаларни бажармаганлиги натижасида келиб чиққан оқибат билан ходимнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ўртасидаги исботланган айбли қилмишларига асосан қўлланилади деб белгилаб қўйилган. Касаба уюшмаси ҳуқуқшунослари томонидан бош ҳисобчининг билдиргиси юзасидан тўпланган ҳужжатлар ўрганилганда М. Арбобованинг ҳисоботларни ўз вақтида топширмаганлиги исботланмади. Шунингдек, МКнинг 180-моддасига асосан интизомий жазо чораси қўлланилган ходимга нисбатан жазо амал қилиб турган муддат мобайнида, яъни жазо қўлланган кундан бошлаб бир йил ичида рағбатлантириш қўлланилмаслиги, бироқ иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимда назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмаслиги белгиланган. Университетнинг амалдаги ички меҳнат тартиби қоидаларининг 10.1 бандига ва Меҳнат ко-

дексининг 180-моддасига асосан ходимларга ташаккур эълон қилиш, пул мукофот бериш, қимматли совғалар билан тақдирлаш ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа тўловлар каби рағбатлантириш чоралари кўрилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан, касаба уюшма ҳуқуқшунослари ҳисобхона ходими Л. Усмоновага нисбатан «Хайфсан» интизомий жазо бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритди. Тақдимномага асосан ходимлар ҳуқуқи тикланди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Бухоро давлат университети-нинг «Л.Н. Усмонова ва М.Х. Арбобоваларга нисбатан интизомий жазо қўриш ва уларга тўланиб келинаётган ҳар ойлик 50% ли устама маошини бекор қилиш тўғрисида»ги буйруқни бекор қилиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритди. Тақдимномага асосан ходимлар ҳуқуқи тикланди.

И. ТОШОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

● Ҳуқуқингизни биласизми?

Ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик хизматининг ишонч телефони жиринглади:

— Алло, бу «Ишонч телефони»ми? Нафақага чиқишим муносабати билан иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати олдим. Ушбу огоҳлантириш муддатини пулли компенсация тўлови билан алмаштиришим мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан, меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш берилса, ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин...

— Раҳмат сизга, шу масалада бошим қотиб турганди...

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик хизмати мудири Шамсиддин Сатторов ва бошқа ҳуқуқшунослар ҳар куни кўплаб меҳнаткашларга шу тариха ҳуқуқий маслаҳат беришади. Худудий бирлашмалар ва тармоқ касаба уюшмаларининг юридик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилган хизмат касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашмоқда.

— Юридик хизмат фаолият кўрсатаётган бир ойдан ошикроқ вақтда 24 та мурожаат бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, — деди Ш.Сатторов. — Бундан ташқари, 5 та ёзма ҳамда 18 та оғзаки мурожаат эгаларига ана шундай кўмак берилди.

— Қайси масалаларда мурожаатлар кўпроқ қайд этиляпти?

— Ишдан ноқонуний бўшатиш ва меҳнат шартларини ўзгартириш юзасидан норози бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Бундай ҳолатларда ариза муаллифи ва иш берувчи билан мулоқот олиб бориб, қонун доирасида ҳаракат қиляпмиз. Ҳуқуқий маслаҳатларимизни раҳбарлар қабул қилмаган тақдирда эса масалани жойида ўрганиб чиқяпмиз. Айрим ҳолларда қонун устуворлигини таъминлаш, ариза муаллифи манфаатини ҳимоя қилиш учун судга даъво аризалари билан мурожаат қилинапти.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

● Журналист текшируви

«Наргиз»нинг

Қувасой шаҳридаги «Наргиз» болалар боғчасининг олди-сотди можароси, мана, олти йилдирки, тўхтагани йўқ. Бу ишга шаҳар, вилоят, республика даражасидаги идоралар аралашди. Аввало, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди, сўнгра эса жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди ушбу масалани кўриб чиқиб, ўша даврдаги мансабдор шахс — шаҳар халқ таълими бўлими мудири О.Абдулхамидовга жавобгар сифатида тегишли жазо тайинлади. Аммо можарога яқун ясалмади. Мазкур болалар боғчасининг собиқ мудираси О.Сатторова «Ishonch» газетасига шу муаммо юзасидан шикоят хати йўллади.

Шаҳар марказидаги собиқ 100 ўринли «Наргиз» болалар боғчаси рўпарасидамиз. Ярим гектардан ортиқ ер майдони четида пишиқ гиштдан қурилган, икки қаватли бино, ярим вайрона кўринишга келган боғ сатҳида ерга қапишиб кетган болалар учун югуриш, сакраш ва бошқа ўйин жиҳозлари... Боғчанинг ишламай қўйганига уч йилдан ошибди. Бинонинг биринчи қаватидаги икки-учта хонада шу йил феврал ойдан бошлаб дурадгор усталар ишлаб туришибди.

— Боғча биноси аслида синглим Ирода Раҳимовага сотилган, — дейди боғчанинг ҳақиқий эгаси Адҳамжон Тўраҳўжаев. — Бу ерда «FAPPOI IUPAK» хусусий корхонасини очдим. Корхона чиқиндилардан полиэтилен халталар ишлаб чиқаради...

Шу ўринда бир ҳол бизни таажжублантирди: Ирода Раҳимова Тошкент шаҳрида яшайди, лекин шу можарога оид барча ҳужжатларда, ҳатто жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди ҳукмида ҳам унинг фамилияси... «Тўраходжаева» деб кўрсатилган! Буни қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, ҳужжатларда, айниқса,

суд ҳужжатларида шахсининг исм-фамилиясини кўрсатишда аниқлик етишмаса?

— Касбим педагог, ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида мактабгача тарбия муассасаларида меҳнат қилдим. «Наргиз» болалар боғчасида эса чорак асрдан ортиқ вақт ишладим. Ўн йилга яқин шу боғча мудираси бўлдим, — дейди О.Сатторова. — 2004 йилда боғчани сотиш белгиланди. Мен ҳам харидор бўлдим. Боғча ишчи-хизматчилари рози эдилар. Аммо... Боғча менга эмас, педагогика соҳасида бир кун ҳам ишламаган ёш кизчага сотиб юборилди. Ажабланирлиси, йигирма ёшли бу киз асли қувасойлик бўлса-да, Тошкент шаҳрида яшаркан!

«Наргиз» болалар боғчасининг дастлабки сотиш баҳоси салкам 21 миллион сўм этиб белгиланган. Аммо боғча савдога чиқарилгандан сўнг ўтган икки ой мобайнида, суд ҳукмида кўрсатилишича, харидорлардан сотиб олиш бўйича таклифлар тушмаган, натижада унинг баҳоси босқичма-босқич пасайтириб борилган. Охир-оқибат, бу мактабгача таълим муассасаси 2005 йил 30 де-

кабр куни ... 1 миллион 364 минг 640 сўмга сотилган! Сотувга қўйилган бинонинг нархини икки ойдан сўнг бир неча баробар камайитириш қонунийми? Маълумки, иншоотлар, бинолар нархи йиллар ўтган сари камайиб бориши табиий. Аммо ҳозирги шароитда бино нархи шу даражада пастлаши ақлга сизга даҳад.

Бу ерда ҳам тергов ва суд идоралари ҳулосалари даъвогар О.Сатторованинг даъвосидан тубдан фарқ қилади. О.Сатторова эса «Мен 2004 йили Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасига «Наргиз» болалар боғчасини сотиб олиш учун ишчи-ходимларимнинг розилиги билан хат орқали чиқдим. Вилоят ХТБ қурилиш маъмури М.Ахроровга ҳужжатларни тайёрлаб бердим. Улар ҳужжатларни тўплаб Тошкентга жўнатишди, олди-сотди режасига киритилди... Мен 2005 йил август ойидан 30 декабргача биржага қатнадим. Диллерим этиб Д.Хамролиев тайинланди. Мен 2005 йил 30 декабр куни биржага пулимни ҳам олиб келиб тўхтатмоқчи бўлдим (савдо ни бўлса керак. — А.И.), биржадагилар менинг ҳужжатларимни олиб, компьютерга киритиб турган пайтда телефон жиринглади. Бу мулк бошқармасининг (бошлиғининг — А.И.) ўринбосари И.Турсунов экан. Биржадагилар мени тезда олдига боришимни айтишди. Мен дарров Фарғона вилояти мулк бошқармасининг (бошлиғининг — А.И.) ўринбосари И.Турсунов олдига кирдим. Улар кўполлик билан менинг устимдан қулиб:

● Ҳуқуқий Ҳимоя

Иш ҳақининг вақтида тўланиши иш унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши самарали фаолият олиб борапти.

Иш унуми гарови

Масалан, Таълим, Фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан Тошлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳ.Миллабоевнинг касаллик варақасига тўланган нафақа пуллари қайта ҳисобланиб, қўшимча ҳақ ундириб берилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоатчилик назоратини мувофиқлаштирувчи комиссиялари томонидан Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси У.Мирзоалимованинг март ойида 155,1 минг сўм ойлик иш ҳақи ҳисобланмаганлиги ҳамда ҳамширалар М.Хусайновага 445 минг сўм ва М.Маллабоевага 130 минг сўм меҳнат таътили пуллари тўланишига эришилган.

Ўз мухбиримиз

Уйнинг калити эгаллик ҳуқуқини бермайди

Ниҳоят етарли маблағ тўплаб, дидингизга мос келадиган уйни сотиб олишга қарор қилдингиз. Лекин шошилманг. Аввало, уйнинг ҳужжатлари билан чуқур танишиб, сотмоқчи бўлган киши ҳақиқатан шу уйнинг эгасими-йўқми, уй ҳужжатларининг нотариус томонидан тасдиқлангани ва уни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома ҳақиқийлигини нотариусга бориб аниқланг.

Уйни сотувчи: «Пулни беринг-да, уйнинг калитини олиб, бемалол яшайверинг, нотариусга бориб расмийлаштириш қочмайди» ёки: «Ҳозир жуда бандман, пулни олганлигим ҳақида тилхат ёзиб беравераё, қўлим бўшагач, расмийлашти-раверамиз», дейиши мумкин. Унутмангки, ҳар икки таклиф ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки сотиб олинган турар-жойни нотариус орқали расмийлаштиришдан қочиш, харидорни алдаш, чув тушириш каби фирибгарликлар ҳаётда кўп учрайди.

Яқинда Ш. исмли бир киши уй сотиб олди. Аммо уни нотариус орқали расмийлаштирмади. Пулни берди-ю, тилхат ҳам олмай уйга оиласи билан кўчиб кириб яшайверди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, уйни унга сотган одам яширинча яна бир кишига пуллаб, номига расмийлаштириб

беради. Натижада, орада низо чиқди. «Уй сотиб олдим, энди бола-чакам билан хотиржам яшайман», деб ўйлаган Ш.нинг тинчи бузилди. У уйни сотган кишининг олдига бориб: «Уйни мен сотиб олган эдим, пулни олгансан-ку», деб даъво қилганда, у: «Мен сенга уйни сотмаганман, пул ҳам олмаганман, сен уйимда ижарада турибсан», деб жавоб беради. Кўлида бирор ҳужжати, далил-исботи бўлмаган Ш. охир-оқибат уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Афсуски, унга ўхшаб чув тушганлар анча-мунча учра турибди. Ҳўш, бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш мумкинми? Мумкин, албатта. Бунинг ягона йўли сотиб олинган кўчмас ёки бошқа мулкни нотариус орқали расмийлаштиришдир.

Абдуҳаким НОРБОВЕВ,
Пахтакор туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси

● Истеъмолчилар ҳуқуқи

«Ишонч телефони» ҳамisha хизматда

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани 21-мавзесида яшовчи Рамеш Ли Кўйлик қурилиш моллари бозорида жойлашган дўкондан тўрт юз минг сўмга унитаз харид қилди. Уйга келиб, уни мутахассис ёрдамида ўрнатганида, тагидан сув томчилай бошлади. Текшириб кўрилса, ич тарафидан дарз кетган экан. Р. Ли дарҳол дўкон сотувчисига кўнғироқ қилди. Аммо сотувчи:

— Балки уни уйга олиб бораётганингизда ўзингиз синдиргандирсиз? — деб айбни ўзига ағдаришга уринди.

Аслида, унитазни ниҳоятда авайлаб, машинанинг юмшоқ ўриндиғида уйга олиб келганди. Устига-устак, бу иш қўлидан келса ҳам, уни мутахассис ёрдамида жойига ўрнатганди.

Рамеш Ли ўйлай-ўйлай Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилиб, аҳволни тушунтирди. Федерация мутахассислари аризани атрофлича ўрганишгач, истеъмолчининг ҳақ экани маълум бўлди. Иш жараёнида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига амал қилмаганлиги сотувчига тушунтирилди. Шундан сўнггина сотувчи яроқсиз товарни сифатлисига алмаштириб берди.

Музлатгич харид қилиш илинжида қайси дўконда бўлманг, унинг ўндан ортиқ турини кўриб, қай бирини танлашни билмай бошингиз қотиши тайин. Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг 18-мавзесида истиқомат қилувчи Антонина Цой ҳам пойтахтимиздаги «Бек-Барака» савдо расталарини айлана-айлана, охири 35-дўкондан «Норд» русумли музлатгични танлади. Сотувчи унга маҳсулотни обдон мақтаб, ҳатто уч йилга кафолат муддати борлигини айтди. Харидор уни уйга олиб келгач, бир ой ўтар-ўтмас камчиликлари чиқа бошлади. У бир тўхтаб қолиб, сўнг ишлайдиган одат чиқарди. Шовқини эса чидаб бўлмас даражада эди.

Антонина дўконга бориб, сотувчига музлатгич яхши ишламаётгани ҳақида айтди. Сотувчи унинг ишлаб чиқаришида камчилиги борлигини мутахассис орқали билганда ҳам харидорнинг талабини қондиришни истамади. Аслида, ҳар бир сифатсиз ёки носоз товар кафолат муддатида маҳсул хизмат кўрсатувчи сервис томонидан бепул таъмирлаб берилиши ёки дўкон томонидан сифатлисига алмаштирилиши шарт. Харидор Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шикоят мутахассислар томонидан ўрганилганида, ҳақиқатан музлатгичнинг носозлиги аниқланди. Федерация кўмағида истеъмолчининг «Норд»га тўланган 690 минг ва йўлқирага тўлаган 22 минг сўм пули эгасига қайтарилди.

Мирзо Улугбек тумани Сайрам кўчаси 39 «Б» уйда яшовчи Николай Минаев плазмали телевизор сотиб олиш ниятида пул йиғиб юрган-ди. Яқинда Абу Сахий бозорининг 5-блокидаги 7-дўкондан 1 млн. 850 минг сўмга «Samsung» плазмали телевизорини сотиб олди. Телевизорни уйга олиб келганда фарзандларининг хурсанд бўлганини айтмайсизми?.. Аммо хурсандчилик бир ҳафтага ҳам етмади. Тезда янги телевизор «хунар»ини кўрсата бошлади. Бир-бир ярим соат ишлагандан сўнг шовқин чиқарадиган, экрани хиралашиб, овози кучайиб кетадиган одат чиқарди.

Янги телевизорда турли филму мусиқали кўрсатувларни маза қилиб томоша қиламиз, деган ўй-хаёли бир зумда пучга чиққанидан Николай ва унинг фарзандлари қаттиқ ранжиди. Машиий хизмат кўрсатиш шохобчасидан келган уста телевизорнинг у ёқ-бу ёғини кўриб:

— Ҳаммаси телевизорнинг ишлаб чиқаришдаги нуқсонни туфайли, яхшиси, бу ҳақда вақтида дўкон сотувчисига айтиб, уни алмаштириб олсангиз дуруст, — деди.

Харидор эртасига сотувчи билан учрашиб, воқеани тушунтирди. Сотувчи унинг гапини эшитишни ҳам истамади. Бундан ҳеч иш чиқмаслигини сезган Н.Минаев Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилди. Ушбу ариза ўрганилганда, харидорнинг талаби тўғри экани маълум бўлди ва телевизор сифатлисига алмаштириб берилди.

Умида МАНСУРОВА

Нархи қанча?

«Сиз қанақасиз?! Боғча роса арзон бўлиб кетибди. 3 миллион 600 минг сўм» дейишди. Мен уларга «Ҳозир биржадан келяпман, нарх 1 миллион 360 000 сўм бўлди» десам, улар «Роса арзон бўлиб кетибди, сотилмайди, қайтарамиз, бизга юқоридан гап тегади», деб менга кўпол муомала қилиб чиқариб юбордилар» дея даъво қилди тахририятимизга йўллаган шикоятчида. Ҳўш, ким ҳақ?

«Қилни қирқ ёрадиган» адлия идоралари ходимлари бу ҳолатни ўрганиб, қуйидаги хулосага келдилар: қўшимча тўпланган материалларга кўра, боғчанинг сотилиши бўйича ўтказилган биржа савдосида даъвогарнинг топшириғи билан брокер қатнашганлиги ҳолати аниқланмаган. Қувасой шаҳар ХТБ мудири О.Абдулхамидов мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатини суистеъмол қилган. Яъни, О.Абдулхамидов расмий ҳужжатни қалбакилаштиради. Баланс қиймати 18 540 175 сўмлик «Наргиз» мактабгача таълим муассасасининг баланс қийматини асоссиз равишда 7 120 960 сўм, қолдиқ қийматини эса 1 364 640 сўм деган ёзувларни маълумотга киритиб, имзо ва муҳр билан тасдиқлайди.

Натижада, Қувасой шаҳар прокуратураси О.Абдулхамидовга нисбатан жиноят иши кўзгаёйди. Кейин эса Давлат мулк кўмитаси Фарғона вилоят бошқармаси фуқаро И.Тўрахўжаева билан тузилган олди-сотди шартномаси ва 06.03.2006 йилдаги мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи 13264-сонли

Давлат ордерини бекор қилиш, мулкни давлат ихтиёрига қайтариш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ариза берди.

Ҳа, адолат қарор топгандек, томонлар учун одилона ечимга келиш борасида тўғри йўл танлангандек эди. Дарҳақиқат, олди-сотди шартномаси бекор қилиниб, боғча биноси қайтадан очиқ савдога қўйилганида, даъвогар томон, яъни О.Сатторова учун бинони сотиб олиш имкони пайдо бўлар эди. Лекин суд мажлиси жараёнида даъвогар, яъни Давлат мулк кўмитаси Фарғона вилоят бошқармаси ўз даъвосини қисман ўзгартиради. Яъни низоли объект Республика кўчмас мулк биржаси Фарғона филиали орқали савдога чиқарилгани, газеталарда бу борада эълонлар берилганлиги, хусусийлаштириш ишлари қонун талаблари доирасида амалга оширилганлиги сабабли жавобгар И.Тўрахўжаевадан етказилган зарарнинг тўланмаган 17 275 531 сўмлик қисмини ундириш сўралган, холос.

Суд эса 2009 йил 19 сентябрдаги ажрими билан 2006 йил 30 январ ҳолатига кўра муассасанинг қолдиқ баланс қийматини аниқлаш бўйича экспертиза тайинлайди. Экспертиза хулосасига кўра, белгиланган кундаги «Наргиз» болалар боғчасининг ҳолатига баҳоланган қолдиқ қиймати 8 451 997 сўмни ташкил этган. Суднинг 2009 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар фойдасига И.Тўрахўжаевадан тўланмаган 7

087 357 сўмлик қисми ундирилган. Демак, «Наргиз» мактабгача таълим муассасаси биноси ер майдони охир-оқибат 8 451 997 сўмга сотилди. Дастлабки нархи «Тахлил Водий» МЧЖнинг 2005 йил 2 августдаги хулосасига кўра 20 943 627 сўм қилиб белгиланган бинонинг сўнгги баҳоси орадан тўрт йил ўтгандан сўнг салкам 8,5 миллион сўмга тўғри келади, деб топилди...

Албатта, суд қарорига шубҳамиз йўқ. Аммо баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз. Агар Давлат мулк кўмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг шу масала бўйича дастлабки қарорига асосан боғча биноси давлат ихтиёрига қайтарилиб, қайта савдога қўйилганда олди-сотди мутлақо бошқача тус олган ва давлат хазинасига анча катта миқдордаги маблағ тушган бўлармиди? Ҳозирги «ёзди-ёзди»ларга барҳам берилармиди? Асл нархи демак салкам 8,5 миллион сўмни ташкил этадиган бино нега атиги 1 миллион 300 минг сўмдан ортиққа сотилди? Бунга ёлғиз халқ таълими бўлими мудири айбдорми? Биз «Фалончи ҳақ, фалончи ноҳақ» демоқчи эмасмиз. Аммо, шаҳардаги икки оила ўртасида олти йилдан буён ўчмаётган низони бартараф этиш, ҳақни қарор топтириш нафақат тергов ва суд идоралари, балки шаҳар ҳокимлиги, жамоатчиликнинг ҳам вазифаси эмасми?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Истиклолимизнинг 20 йиллик байрам шодиёна-лари қайсидир маънода босиб ўтган йўлимизга назар ташлаш имконини берди.

Саҳифа шу маънода ранг-баранглик касб этди. Кимдир юртнинг тароватидан тўлқинланиб, эътирофу эътибордан куч олса, кимдир мамнуният изҳор этади. Яна биров орамиздаги одамларнинг эзгу амалларини кўпчиликка билдирай деб қўлга қалам олди. Замону макондан ошиб, ҳайрат дарёсида чўмилётганлар, кузнинг «асир»ига айланганлар-да оз эмас. Бу гал газетамиз саҳифаларини мунтазам тўлдириб борадиган фаол муаллифлар ижодига кенг ўрин ажратдик. Буни рағбат деб қабул қилишса, муддаога етган бўламиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими муҳаррири

Газета

Эътироф куч бағишлади

Авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловидида касаба уюшмаси кўмитамиз фаолияти биринчи ўринга муносиб топилди.

Меҳнат қилсангиз, албатта, натижаси бўй кўрсатар экан. Эътирофдан бошимиз кўкка етди. Ушбу муваффақият, аввало, кўмита аъзолари ҳамда фаолларимиз меҳнатининг маҳсули бўлиб, зиммамизга янада катта масъулият юклади. Уни оқлашга, албатта, ҳаракат қиламиз.

З.НАЖМИДИНОВ,

Термиз аэропорти касаба уюшмаси кўмитаси раиси

Мурожаат қилган эдим...

Мен 2011 йил сентябр ойининг сўнггида тахририятга июл ойидан буён декрет таътили пулларимни ололмаётганим ҳақида ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим, шундан сўнг тезда мени туман тиббиёт бўлими ҳисобхонасига чақириб, 2011 йил октябр ойининг 10-санасида туғруқча ва туғруқдан кейинги таътил учун 1305 000 сўм ва 114000 сўм суюнчи пулларимни тўлалигича пластик карточкамга тушириб беришди. Менга бу масалада ёрдам берган «Ishonch» газетаси тахририяти, газетанинг Бухоро вилояти мухбири И.Ҳожиёв ва Бухоро вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Ш.Султоновга миннатдорчилик билдираман.

Г.БЕШИМОВА,
Корақўл тумани

Мамнунман

Етти йил ўртачирчиқ туман АСМХ касаба уюшмаси кенгаши раиси бўлиб хизмат қилдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатимни ҳисобга олиб, «Турон» санаторийсига бепул йўлланма ажратди.

Санаторийда дам олган вақтимда шифокор ва ходимларнинг хушмуомала ва меҳрибонлигига гувоҳ бўлдим. Худуднинг гўзал манзараси, ётоқхоналарнинг шинамлиги ва лаззатли овқатлар дам олувчиларда яхши таассурот қолдиради.

Бош шифокор Қаландар Султонов ҳар куни ишни беморларга яратилган шароитни кўздан кечириш ва улар билан суҳбатлашишдан бошлайди. Кардиология бўлими шифокори Г.Фатхуллоева, даволаш бўлими мудир Д.Даминова, катта ҳамшира Ш.Жалилова, парафин муолажа ҳамшираси З.Тўлаганова, балчиқ билан даволаш ҳамшираси Ф.Насриддинова каби фидойилар ҳам дам олувчиларнинг меҳрини қозонмоқда. Кишилар саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатётган сиҳаттоҳ жамоасига миннатдорлигимни билдираман.

И.САЙФУЛЛИН,

Ўртачирчиқ туман АСМХ касаба уюшмаси фаоли

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида 20 ёшга қадам қўйдим.

Беихтиёр ён-атрофни кузатаман. Улуғ неъмат шуқуҳи қалбларни чулғаб олган. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар мамлакатимизнинг порлоқ келажагидан дарак бергандек.

Бувим Марпуза Собирова 80 ёшда. Иккинчи жаҳон уруши даври заҳматларини чеккан, турмуш оғирлиқларини кўп кўрган факрилардан. Улар доим бизга ўтмишда бўлган қийинчиликлар ҳақида сўзлаб берадилар. Гап сўнггида эса бу шароит ва имкониятларнинг қадрига етишимиз, улардан тўғри фойдаланишимиз кераклигини, биз ҳозир эгалик қилаётган шарт-шароит уларда ҳеч қачон бўлмаганлигини айтидилар. Бувим ҳар гал шаҳар айланганда: «Пойтахтимиз жамолига кўз тегмасин», дейди.

Бу йил мен учун ҳам ўзгача кечди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида сўнгги босқичга қадам қўйдим. Жамиятнинг кичик бўлаги бўлмиш бир оила соҳибаси бўлдим.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Самарқанднинг тарихий обидаларини ойнаи жаҳон ёки суратларда томоша қиларканман, дилимда бу афсонавий шаҳарга бориш истаги тобора жўш уради. Ушбу қадимий замин сари йўл олган киши борки, кўҳна иншоотлар билан бирга, азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилишни ўзига фарз билади. Имом ал-Бухорий мажмуаси ана шундай муборак маскан саналиб, юртимиз мустақилликка эришгунга қадар қаровсиз ва хароба ҳолда бўлган. Мустақиллик йилларида Имом ал-Бухорий мақбараси атрофи ўралиб, ўз ичига кичик мадрасалар ва мўъжаз музейни жамлаган, ҳовли саҳни кўркем дарахтларга бурканган обод манзилга айлантирилди. Улкан чинорлар зиёратчиларга салқинлик бахш этади. Пири комил ҳазрат Бухорий ҳаёти ва кечмишлари, умри давомида йиққан ҳадислар жамланмаси бўлмиш «Ал-жомий ас-сахих» асари ҳақида мутахассислар тушунча беришади.

Самарқанд — юртим гавҳари

Шоҳизинда. Бир қанча қадамжоларни жамлаган, ҳар бирида қабрлар сақланган обидалардир. Мақбарага элтадиган зинаполярнинг кўплиги ва баландлиги ҳануз бу ерга ташриф буюрувчиларни ҳайратга солади. Санаш мушкул бўлган зинаполяр пишиқ гиштдан, қулай ва кўркем терилган.

Бибиҳоним мадрасаси. Учта бир-бирига қарама-қарши обидалар Амир Темурнинг маслақдоши, суюкли рафикаси Сароймулхонимга муҳаббатини ифодалайди. Киришда «Китоби лавҳ» кўзга ташланади. Яъни лавҳ китобида Куръони Карим ўйиб ёзилган. Нақш ва ёзувлар ҳамон сақланиб қолган. Улкан мадраса сари юраркансиз, ёз чилласи бўлса-да, майин шабада эсиб туриши мадрасанинг энг мақбул жойда қад ростлаганини кўрсатади.

Сайёҳлар Регистон майдонига алоҳида қизиқиш билан ошиқишади. Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларини жамлаган ушбу майдон ўтмишнинг салобатли нафасини беради. Ҳар бири ўзига хос шакл ва моҳият касб этган иморатлар маҳобат касб этади. Мадрасалар ичкарасидаги катта-кичик хонақолар бу ерда илгари ҳам савдо-сотик ишлари бўлган деган мулоҳазани берса, нақшинкор эшикларнинг шундоқлигича сақлангани, деворлардаги арабий ҳарфларда битилган ҳикматлар кишини бир зумга ўтмиш билан юзма-юз қилиб, кўнгилда ажиб туйғулар уйғотади. Иншоотлар ташқи ва ички тузилиши, тилларанг юргизилган деворлари, минг бир афсонадан сўзловчи ўймакорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Ҳар бир зина, гишт тарихдан сўзлайди. Кеча ва бугун билан юзлашган бу иморатларнинг вақтга бўй бермай, мағрур туриши сайёҳларнинг ақлини шоширади.

Бир гуруҳ франциялик ёшларнинг баланд иморатларга ҳайратланиб боқаётганига гувоҳ бўлдик.

— Самарқанд ҳақида эшитгандим, лекин уни кўриш умуман бошқа нарса экан, — дейди Мишел исмли йигит. — Таътил вақтида дўстларим билан Ўзбекистонга келиб, бу мўъжизакор шаҳарни кезиб, шу нарсага амин бўлдимки, бу юрт инсонлари ўтмишда юксак билим ва тафаккурга эга бўлган. Сиз бу билан истаганингизча фахрланишингиз, буни дунёга тарғиб этишингиз мумкин.

Шундай

улуғ бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган буюк саркарда Амир Темурнинг сўнгги манзили «Гўри Амир» мақбараси том маънода юксак дид билан бунёд этилган. У ертўла ва устки қисмдан иборат бўлиб, тўрт томонига



қўйилган тирқишли дераза хонанинг мусоффолиги ва мўътадиллигини таъминлайди. Амир Темур қабри тепасида унинг пири, устози Саид Бараканинг қабри жойлашган бўлиб, буюк саркарданинг устозига нақадар эҳтиром кўрсатганлигини англатади.

Рўйи замин сайқали саналмиш Самарқанд шаҳридаги бобомерос обидалардан ташқари айна пайтда қад ростлаётган янги бинолар, аҳоли хизмати учун шай қилинган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозорларнинг янгитдан тикланаётгани — барчаси кўнгилда шукроналик уйғотади. Истиклолимизнинг 20 йиллик байрамига ўзига хос тухфа бўлган бундай дил яйратар, кўз қувнатар манзараларни нафақат кўриш, балки ундан кўксингни тўлдириб гурурланишинг мумкин.

Наргиза АСАДОВА

Шоҳиста Содиқова болалигидан шифокорлик касбига меҳр қўйди. Марғилон тиббиёт билим юртини тугатгач, 1977 йилда шаҳар марказий шифохонасида иш бошлади. Қай лавозимда ишласин, кишилар дардига малҳам бўлишни мақсади деб билди. Меҳнати билан элда эътибор қозонди.

Ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича ко-

ординатор ҳамшира сифатида Амударё тумани аҳолисини тиббий кўрик-диспансеризациядан ўтказишда фаол иштирок этди. Ҳамширлик таълимини такомиллаштириш бўйича тўртта сертификатни қўлга киритди.

Шогирдлари ҳам унинг йўлидан бориб, элга беминнат хизмат қилмоқда. Чунончи, шоши-

линч тиббий ёрдам бўлими бош ҳамшираси Дилором Мирзахўжаева, 2-оилавий поликлиника бош

Ҳамшира

ҳамшираси Раънохон Мамадалиева, катта доя Интизор Ёқубова каби шогирдлари эл ўртасида катта обрўга эга.

Шоҳиста Содиқова фидокорона меҳнатлари учун ҳукуматимиз томонидан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир нечта фахрий ёрликларини қўлга киритган. У икки фарзанднинг онаси, 6 неваранинг момоси, маҳалла аҳлининг беминнат ҳамшираси. Шунча

юмушлардан ортиб, Янги Марғилон шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар жойлашган «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишини айтмайсизми. Касаба уюшмаси фаоли сифатида шаҳар миқёсида ўтказилаётган тадбирлар, кўрик-танловларда ҳам бош-қош.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ

ГАЗЕТИХОН — ГАЗЕТА

Куз...

Хаёл...

Йўлақдан борарканман, кўзимни тилларанг барглардан узолмайман. Эсаётган майин ел уларни эркалаб, нималарнидир шивирлаётгандек. Ўнгу сўлимга олтин япроқлар тушади: худди рақс тушаётгандек. Бу мафтункор гўзаллик кўнглимга ҳам кўчди-ю ширин ҳисдан энтиқиб кетдим, жуда бахтлиман. Мен севиб, аммо кўнглимни ёролмай юрганам... у ҳам менга бефарқ эмаслигини айтди. Ҳаёт нақадар гўзал, табиат бунча чиройли!

Шамол...

Ўша биз яхши кўрган хиёбон. Бу ерга қандай келиб қолдим? Ўриндиқлар кўнглим каби бўм-бўш. Хиёбонда ёлғиз, тақдир Ундан айирганига ишоналмай, кўз ёшларимни тиёлмай ўтирибман. Ҳаво совуқ. Шамол баргларни чирпирак қилиб учирмоқда. Бугун билибман: шамолнинг ваҳимали овози, вужудингизни, балки табиатни ҳам чимиллаб ўтувчи захри бор экан. Унинг ёнида ҳеч сезмаган

эканман. Бирдан ёмғир ёға бошлади. Ўзини кўз-кўз қилиб ётган баргларни лойга беллади. Дилгирликдан чарчадим, хаёлларим эса мени эртақка бошлади.

Эртақ...

Иккаламиз ҳам кузни жуда яхши кўрардик. У билан шаҳар кўчаларида айланиб тўймасдик. Барглар йўлимизга поёндоз бўлиб қарши олар, қувончимизга шерик бўларди. Дунёда биздан бахтли инсон йўқ эди гўё. Бу дамлар ҳеч қачон тугамайди, кун келиб юракка зарба берилиши менинг эртагимда йўқ, деб ўйлардим.

Сароб...

Ғичир-ғичир... У кунлар кечагина бўлгандек. Йўқ, анча олдин, олис бир манзилда бўлгандек. Ғичир-ғичир... Бу воқеалар мен эмас, бошқа биров билан содир бўлгандек. Лайли ва



Мажнун ҳам кузда учрашиб, кузда айрилишганмиди? Ғичир-ғичир... Ғичирлаётган нима экан-а? Бунча юракни эзмаса. Бу... оёғим остидаги хазонларку. Балки у йўқотишларнинг овозидир...

Тўсатдан катта чинор остида хазонлар аро яшилликка бурканиб турган ниҳолга кўзим тушди. Куз саробларга эмас, умидларга ўралган дунё бўлса-чи?

Шоҳсанам
НИЁЗОВА

Ватан қайдан бошланади, деган саволга мен: «Киндик қони томган, туғилиб ўсган жойдан», дея жавоб берардим. Эгамберди ҳаёт бўлганда, у ҳам фикримга кўшиларди. Чунки, ҳаётининг кўп қисмини пойтахтда ўтказган бўлса-да, у она қишлоғини жондилдан севар, вақт топди дегунча Хондайликқа ошиқарди.

Эгамбердининг кўпприги

Аслида ҳам қишлоғимиз ниҳоятда қулай ва ажойиб ўринда жойлашган. Серунум майдонларимиздан кўёш нурини аямайди. Чотқолнинг кучли шамоллари, селу тошқинлар уни четлаб ўтади, икки сойи ва ўнлаб зилол булоқлар об-ҳаёт билан таъминлайди. Тарихи ҳам жуда қадимий. Қишлоғимиз марказидаги кўҳна тепаликни тартибга солаётганимизда топилган ашёлар бу заминда икки минг йил олдин одамлар яшаганини исботлади. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида қишлоғимиз тарихи ҳақида китоб яратишга киришганимизда Эгамберди ва унинг билимдон отаси мулла Зайниддин яқиндан ёрдам берган эди.

Шу баҳона қишлоғимизда яшаб ўтган улуғ инсонлар ҳаётини ўрганиш учун йўл очилган. Аввало, Зайниддин ота орқали унинг зукко ва билимдон падари бузруквори мулла Муса бобони таниганимиз. Қолаверса, машҳур Сирожиқдин Маҳдум Мирзоҳид ўғли Сидқий-Хандаққийнинг авлоду замондошлари оламига кириб бордик.

Эгамберди шундай улуғ хонадоннинг фарзанди бўлиб, оилада ёлғиз ўғил эди. «Кўк тўнли ота» маҳалласида яшовчи мулла Зайниддин ота билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Дам олиш кунлари, байрамларда қишлоққа қайтарканман, маҳалла гузарига чуқур ўйга толиб ўтирувчи ота истиқболга ошиқардим. Менга кўзи тушган ҳамона мўътабар зотнинг чехраси ёришар, ўрнидан туриб кўш қўллаб кўришарди. Қай мавзуда суҳбатлашмайлик, гапимиз Эгамбердига келиб туташар эди.

— Яхши тушунасиз, чирогим, Эгамберди кўзимизнинг оку қораси, барибир, ўқитмасак бўлмасди, — изтиробли оҳангда гапирарди қария. — Шаҳарларда қолиб кетмасин, деган ниятда қишлоқдан уйлантирдик. Бирок, чамамда, борган сайин ўғлимиз олислашаётгандек. Онаси иккимиз мудом йўлга интизор бўлиб ўтираемиз. Қишлоққа қатнови сийрақлашган...

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Эгамберди Мусаевнинг тил бўйича олийгоҳга сиртдан ўқишга кириши мушкулни осонлаштирди. «Институтни битиргач, менга ўхшаб қишлоғидан замонавий уй қурмоқчи, иккимиз ҳам бир кун, албатта, қайтиб келамиз», деб отанинг кўнглини кўтарардим. Фикримни ҳақиқатга айлантириш учун бир кунни атайлаб телевидениега бордим.

Эгамберди иккаламиз эски томлар ўрнида замонавий уйлар тиклаб, қишлоққа қайтадиган ва Хондайлигимиз ободончилигига ҳисса қўшадиган бўлдик. Ният эзгу бўлса, Яратганининг ўзи йўл очар экан. Биноийдек бошлана тикладик. Навбат қишлоқ ободончилигига келди. Мен тоза ичимлик суви олиб келиш ҳаракатида эдим. Эшитсам, Эгамберди маҳалладаги катта кўчани таъмирлаш ва Ёнариқ устига кўприк тиклаш учун югуриб юрган экан. Жуда хурсанд бўлдим. Зайниддин отанинг-ку, қувончи чексиз эди! Гўё Эгамбердини қишлоққа мен қайтариб олиб келгандек ҳар кўрганда қайта-қайта миннатдорлик билдирарди...

Во, дариг, ҳаётда нималар бўлмайди! Шу йили киш оғир келиб, саксондан ошган мулла Зайниддин ота билан кампири кетма-кет вафот этди. Бу жудодик Эгамбердига қаттиқ таъсир этиб, шифохонага тушди. Операция столига ётди. Ота-она орзусини рўёбга чиқара олмаганидан руҳан эзилган Эгамберди ҳаётга қайтмади. Маънавияти юксак, қалби эзгу ниятларга тўла ажойиб инсондан айрилиб қолдик. Шундай қилиб, Эгамберди Мусаев туғилган қишлоғига қайта олмабди-да, дерсиз? Йўқ, у қайтиб келди: охириги дақиқалардаги васиятига кўра уни қишлоғимиздаги «Кўк тўнли ота» қабристонига дафн этдик...

Катта кўчадан унча узоқ бўлмаган жойда бир қабрда Эгамбердининг кўркама нигоҳи: «Мендан розимисизлар?» дегандек маъноли тикилиб туради.

— Мингдан-минг розимиз! - деймиз ҳар бу ердан ўтганда. — Сиз гоёт мазмунли ва ибратли ҳаёт кечирдингиз, қишлоғимизда равон йўл қурилишига бош қўшиб, бузилмас бир кўприк тиклаб кетдингиз! Ундан ўтганлар: «Бу Эгамбердининг кўпприги, марҳумнинг охирати обод бўлсин, номи ҳеч қачон ўчмасин», дея ҳамшиша дуо қиладилар.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Ҳаёт фалсафаси

Замин мўъжизалар берару бизга
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.

Абдулла ОРИПОВ

Борлиқдаги ҳар бир гўзаллик ва тугаллик мени ҳайратлар уммонига фарқ этади. Инсон томонидан яратилган ва унинг қомиллиги учун хизмат қиладиган ҳар қандай янгилик чексиз эътироф ва эҳтиром уйғотади.

Яқинда яна бир савр шаббодасидек ёқимли ҳайратни бошдан ўтказдим, ҳануз унинг эпкинидан сармастман. У атоқли туркман шоири Махтумқули Фироғий таваллудининг 275 йиллигига бағишлаб чоп этилган сайланма билан боғлиқ. Китоб сўзбошисида шоирнинг киндик қони тўкилган манзили, унинг шажараси, қомил инсон, сўфий, файласуф ва шоир сифатида шаклланиш пиллапоаялари хусусида маълумотлар берилган. Жумладан, Махтумқулининг Қуръони каримни ёд олгани, арабу форсийни чуқур билганлиги, Навоий, Фирдавсий, Шерозий, Фузулий каби туркий ва форсий тилда ижод этган мутафаккирларни ўзига устоз деб билгани таъкидланади.

Махтумқули Фироғийнинг замондошлари Дурди шоир, Уроқхон, Озодий, Зунубий, Маърифий билан айтишувларида борлиқ ва йўқликнинг, ибтидо ва интихоннинг, ҳаёт ва мамотнинг барча фалсафаси жамланган:

Ҳар ён кетсанг, борар еринг гўр бўлар,
Хайр қилган, ётган жойинг нур бўлар.
Яхши бўлсанг, жойинг жаннат, ҳур бўлар,
Ёмон бўлсанг, куйдирурлар нор ила.

Ушбу сатрлардан Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машраб бобомиз ҳикматларининг эпкинни келмайдими? Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Азалдан туркман халқи Хоразм воҳаси аҳли билан бир жону бир тан бўлиб келган. Уларнинг одатла-

ри, анъана ва удумлари ўзаро уйқаш ва чамбарчас бўлиб кетган. Зеро, Хоразм худудига ёндош Ҳожаговон қишлоғида таваллуд топган шоир таҳсилни ўзбек диёридаги Идрисбобо мадрасасида, кейинчалик эса Бухородаги Кўкалдош ва Хивадаги Шерғозихон мадрасаларида олади. Ўзбек илм аҳкомлари билан биродарлашиб, Самарқанд, Тошкент сафарларида бўлади. У ўзбекни қардош ва қондош ҳисоблайди. Қардоши Абдулланинг Фироғида ёзган шеърини ўқисангиз, икки халқ вакиллари орасидаги улуғ дўстлик булоғидан баҳра олгандек бўласиз:

Кулиб-ўйнамадик бирга шод бўлиб,
Наҳот кетдинг энди биздан ёт бўлиб,
Махтумқули зор йиғлайдир мот бўлиб,
Қайда Ватан тутдинг, қардош Абдулла?

Махтумқули ижодига хос танбех, танқид ва ҳажв оҳанглари, дунё барқарорлиги, борлиқ зиддиятлари, халқ дарду ҳасрати ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сеvimли ёр мадҳи-ю муҳаббат изтироблари таржимада тўла ўз ифодасини топган.

Сайланмадаги шеърларни ўқиб, буюк шоирнинг ҳиссиётини қалбимда туйгандек бўлдим. У билан бирга ўксиниб, бирга қувондим. Уч асрлик замондан ва минг чақиримлик макондан ошиб сайр қилдим, панд-насихатлар тингладим, яхши-ёмон, оқ-қора, зулмат-нур, ўлим-ҳаёт зиддиятларини таҳлил қилдим. Ушбу китоб шахсий кутубхонамнинг энг кўринарли ўрнидан жой эгаллаган. Унга тез-тез мурожаат қилиб, ҳайратимни янгилаб тураман. Бу эса мени яхшиликларга, ҳар бир ишга ижодий ёндашишга ундайди.

Алижон ЗОХИДИЙ,
тиббиёт фанлари номзоди,
ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Ёзувчи ва журналист Адхам Дамин 1951 йилда Фаргона вилояти Бағдод туманида туғилган. 1974 йилда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) кимё факултетини тамомлаган.

У ЎзФАнинг Ўсимлик моддалари кимёси институтида, «Тошкент оқшом», «Ishonch» газеталари ва «Ёш куч» журналида ишлаган. Ҳозирда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темирйўл компаниясининг «Темирйўлчи» газетасида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг «Журъат», «Футболчи», «Мен сизга айтсам», «Бағдодчасига кулганда», «Беғуноҳ севги», «Ҳаёт ва ўлим», «Сайланма»сининг 1-жилди, «Бизда ҳам гурур бор» китоблари чоп этилган.

Адхам Дамин кўп йиллардан буён газетамиз саҳифаларида ҳажвия ва ҳикоялари, мақолалари билан фаол қатнашиб келмоқда. Касаба уюшмасининг фаол аъзоси, истеъдодли қаламкашга бундан кейин ҳам юксак ижодий парвоз тилаймиз.

Талабаликдан қутилиб, Тошкентда ишлаб, уй олиш ташвишида юрганам ўтган асрнинг 70-йиллари. Ойлигим ўзимдан ортмайди. Шунданми, биров ҳазиллашиб сал тишининг оқини кўрсатиб қўйса, нарёғини ўйламай пул сўрайверамаман. Бериб қолса, йўлига «қарзгами ёки ебкетарга» деб сўраш ҳам эсга келмайди, кўзни лўқ қилиб олаверамаман... худди осмондан чалпак ёққандек...

Бир гал қишлоққа борсам, амаким ёнига ўтқазиб, насиҳат қила кетди:

— Тошкентда юрасан гердаиб, лекин бундоқ одам танимайсан. Ахир у ерда биз билан ёшликда мол боқиб, дастак ўйнаб, тўп тепиб катта бўлган синфдошим — Топволди бор: Ота-онаси ёшлигида ўлиб кетган, ёлғиз фарзанд эди. Ўзи Тошкентга бориб ўқиди, шаҳардан уйланиб қолиб кетди. Ҳозир, биласанми, у ким? Катта одам — Хадра яқинидаги техникумда замдиректор. Мундоқ олдиға кир, мендан салом де. Керак бўлса, бирор нарсадан ёрдами тегиб қолар. Ҳамқишлоқ ахир.

Амакимнинг сўнги сўзлари менга мойдай ёқиб тушди. Бизга мана шунақа «беғараз» ҳомийлар керак-да. Тошкентга келган кунимок ўша одамнинг олдиға бордим.

— Ҳмм... Бизнинг синфдошнинг хияниман, дегин. Яхши, — ўсмоқчилаб гап бошлади амакимнинг «катта одами». — Айтмоқчи, отанг нима иш қиляпти?

— Мактабда ўқитувчи.
— Чаккимас. Соҳамиз яқин экан.

Кетар чоғида гапнинг пўсткалласини айтдим:
— Топволди ака, шу десангиз шаҳардан кооператив квартира олмақчидим, шунга пича пулдан қийналиб турибман.

— Уйдагиларинг-чи? — у менга синчков тикилди.

— Беришди-ю, камроқ.
— Бўпти, эртага келгин, 500 рубл олиб келаман. Уй олганинда раҳмат айтиб, дуо қилиб кўярсан.

Эртасига бориб пулни олдим. Бу пул маошимнинг тўрт бараваридан ортиқ эди. Ўзиям амакимнинг синфдоши зўр одам экан, берган пулини қарз ҳам демади, шарт-парт ҳам қўймади. Хатто баъзиларга ўхшаб «топганинда берарсан», деб паचाкилашмадим.

«Берган — Худога ёқибди». Амакимнинг ўғити-ю, Топволди аканинг саҳийлигини ҳар эслатганда қувонаман. Йўлим тушганда бирров ишхонасига

кириб, уни йўқлаб тураман.

Кейин уйланиб, кооператив уй сотиб олдим. Шунда у берган пул ҳам асқотди. Бир кун ишхонасига борсам, унинг нафақага чиқиб кетганини айтишди. Кўздан йироқ — кўнгилдан йироқ, деганлари рост экан. Шу-шу, кўришмай кетдик. Бунга ҳам йигир-

олгандинг.

— Ҳа, бергандингиз, эсимда, 500 рубл.

— Баракалло, домланинг боласи. Унутмабсан.

— Яхшилиқни унутиб бўладими.

— Бизам қариб қолдик. Кампирим ҳам нафақада. Ёлғиз ўғлим ўзи билан овора. Энди рўзғорда бир кун ундай бўлса, бир кун бундай, — деди у жиддий. Нима дейишга

ака топиб келди. Уни ўзимча чолга чиқариб қўйибман. Унақамас, кўриниши олтмишларда, тетик ва бардам. У ёқ-бу ёқдан анча гаплашгач, муддаога кўчди.

— Эсингдами? — деди салмоқ билан менга қаттиқ тикилиб. — Бир вақтлар пул

пул йўқ. Ўзи қизимни институтда «контракт»ка ўқитиб, олган қарзларимдан яқинда зўрға қутулдим.

— Ҳмм... — деди меҳмон чуқур ух тортганча. Озроқ сукутдан сўнг шундай деди: — Унда ўзинг айт гапнинг индал-лосини, қанча бера оласан, ўғил бола?

Ўйлаб қолдим. 500 десам, у сўраганининг учдан бири бўлади. Лекин ойликка ишлайдиган мен бечора учун бу катта пул. Тўлагунча знамни Учқўрғонда кўришим аниқ. Икки юз десам, Хотамтой акамиз башарамга тушириб қолмасин тагин. Ўйлай-ўйлай:

— Уч юз, — дедим аста.

— «Кўки»дан, — деди у баралла овозда.

— Ҳўп, — дедим ноилож. — Аммо бирданигамас, секин-секин олти ой ичида қайтараман. Ахир мен ҳам жўжабирдай жон.

Текин сожанинг касри



хайронман.

— Биласан, мен берган пул у даврда каттагина пул эди,

қадр бор эди, — гапида давом этди у. — Ҳозирга чақсақ, ўша пулнинг қиймати қанча бўлади биласанми?

Секин елка қисдим.

— Бир ярим минг.

— Сўмдами? — дедим ажаланиб.

— Э, ҳозир ким сўмни гапиради. «Кўки»да — долларда, — деди у пинаги-

ни бузмай.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

— Қиёмат қарз экан, шуни узиб қўйсанг, дегандим.

— Нима?

— Ҳа, шунақа гап. Намунча сўлоқмондек бақраясан? — деди у совуққонлик билан.

— Менда унақа пул нима қилсин, ака. Юз долларни ҳам бировларнинг қўлида кўрганман, — дедим ҳамон ўзимга келолмай. Кейин мен ҳам совуққонлик билан ҳимояга ўтдим:

— Аввало, сиз у пулни менга қарз деб бермагансиз.

— Ие, бу нима деганинг, мендан пул олганмисан, ахир, ҳа, олгансан, бўлди-да.

— Олишга-ку олганман-а.

— Ана! Тагин мен баъзиларга ўхшаб ноинсофлик қилиб «проценти билан берасан» деяётганим йўқ, бугуннинг бор гапини айтяпман, холос.

Қарасам, аҳвол чатоқ. Ҳимоя иш бермайди. Хужумга ўтдим:

— Биринчидан, олди-бердимиз ўртасида гувоҳ йўқ эди. Иннайкейин, қарзга деб бермагансиз.

— Ҳой-ҳой, бу нима деганинг? Олганингдан тонмоқчимисан?

— Тонмайман, ўғил боламан. Аммо-лекин менда унча

— Бўпти! Оббў, домланинг боласи тушмагур-ей, — деди у мағур жилмайиб. — Отанг мард одам эди, сен ҳам ундан қолишмас экансан.

Хуллас, олти ой ичида қўлимга пул тушди дегунча Топволди акага сим қоқаман. Зумда етиб келади. Гоҳо эллик доллар, гоҳо шу атрофдаги сўмни «сахий акахон» қўлига тутқазаман. У ҳам маош оладиган кунимни кутиб ўтирмай, тез-тез ўзи сим қоқадиган бўлиб қолди... Жоним ҳалқумимга келади шунақада: лекин не илож, емоқнинг қусмоғи бор...

Шундай қилиб десангиз, емаган сомсага бўлмасаям, бир вақтлар «текин еган сомсанинг» касрига сахий ҳамқишлоғимга чўтал тўлаб ўтирибман. Гоҳида хунобим ошиб, унга кўнғироқ қилган ўша кунни эслаб, ўзимни-ўзим беаёв қойийман. Э, ўша, хотамтой ҳамқишлоғимга эмачагим эрмай кетай, дейман. Шунда мени у билан таништирган амаким ҳам кўзимга хунук кўриниб кетади. Умринг узун бўлмай қолгурнинг ўлиб кета қолмагани-чи. Яна ўзича «рубллар»ни «кўки»га айлантириб олганига нима дейсиз!

Фигоним ошганда Афандини эслаб, нотавон кўнглимни овутамаман. Ахир эшагини миниб ўз йўлида кетаётган одамни шунчаки уйга таклиф қилган Насриддин афанди у одам эшагидан тушиб «эшагимни қаерга боғлай», деганда бекорга «тилимга боғланг, тақсир, тилимга», демаган экан.

Бу ёғига энди хушёр бўлиб қолдим. Ким биландир қай замонлардадир офтобда қатик ялашган бўлсаму пулини у тўлаган бўлса, бундай «мехрибон» ошна-оғайниларнинг бахридан ўтвормим. Узоқдан кўриниб қолса, тескари қараб қорамни ўчираман. Алмисоқдан қолган эски телефон дафтарчамни ҳам йиртиб-йиртиб ташладим...

Адхам ДАМИН



алқимиз азал-азалдан адабиётнинг мўъжизавий кучига ишониб келган. Шу боис ҳам қадим заминимизда улкан дostonлар, эртагу лапарлар, мақолу топишмоқлар дунёга келган. Бола тарбияси эса ҳеч қачон китоб мутолаасисиз кечмаган.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикоя турк ёзувчиси, ўз даврининг етук ҳажвчиларидан бири Азиз Несин қаламига мансуб. Бу ҳикоя сизга бир олам кулгу улашиш билан бирга, ёшлар маънавиятига дахлдор айрим муаммолар ҳақида чуқурроқ фикр юритишга ҳам ундайди, деган умиддамиз. Зеро, баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Болалар қаёқдан пайдо бўлади?

Мен аллақачон қирқни уриб қўйганман, аммо ҳалигача сўққабошман, ҳали-бери уйланадиган сиёғим йўқ. Айтишларича, зурриётсиз одам мевасиз дарахтга ўхшаркан. Аммо мени мавасиз дарахтга менгзаш унчалик тўғри эмас. Менинг жиянларим бор. Ўзимнинг бор меҳр-қўримни акаларимнинг фарзандларига бағишлаганман. Катта акам кичкина бир лавозимда ишлайди, зўрға амал-тақал қилиб тирикчилигини ўтказди. Унинг оилавий даромади ҳар хил кўнгишхушликлар, сайру саёҳатларни кўтармайди. Кино ёки театрларга бормаиди, соҳилларда тобланмайди. Хотини билан ҳар йили биттадан болани дунёга келтириш кўлидан келади, холос.

Ўртанча акамнинг ишлари ёмон эмас, чунки у мактабда фақат еттинчи синфгача ўқиган. Уйланганига ўн беш йил бўлиб қолди. Икита боласи бор. Менинг яна кичик акам ҳам бор. Калласи унчалик яхши ишламагани тўғриси тўртинчи синфни аранг битирган. Шу боис у жуда бойиб кетган. Эр-хотинларнинг егани олдида, емагани кетида. Шунча кайфу сафолар билан яна бола орттиришганига ҳайронман.

Биз тўрт ака-укамиз ва ҳаммамиз бир-биримизни кўрарга кўзимиз йўқ. Кичик акалар катта акани хотинини «бола кўпайтирадиган фабрика»га айлантириб қўйгани учун ёмон кўришарди. У бўлса бунга жа-

вобан «Ватанга эркаклар керак» дея ҳазил қилиб кўярди. Мени «Қисир сигир» дейишарди. Мен бўлсам уларнинг чурвақаларига қараб қўяман — биттаси қурт тушган гилосга ўхшайди, бошқаси сап-сарик нокнинг ўзгинаси, учинчиси сўлиган шафтоли... Аммо мен жиянларимни яхши кўраман. Улар ҳам мени яхши кўришади. Кеча улар уззукун менинг уйимда яйрашди. Саккиз болакай. Каттаси ўн иккида, кичиги уч яшар.

Тўққиз ёшли Олтан ҳамма китобларимни титкилаб чиққач, деди:

— Амаки, шунча китоб йиққан бўлсангиз ҳам биронта ўқийдигани йўқ экан-ку?

Унинг ёшини эътиборга олиб, жавоб қилдим:

— Қанақасига йўқ бўларкан? Марҳамат, «Робинзон Крузо» бор, Жюль Верннинг асарлари...

Болалар хиринглашди. Олтан гап қотди:

— Амакижон, булар ўзингизга буюрсин, сизда «Қонли излар», «Ишқ сабоқлари» ёки ҳеч бўлмаганда «Жинсий энциклопедия» деган китоблар топилмайдими?

Бунақа китоблар менда йўқ эди. Ўн бир ёшли тирранча Фатош жудаям шум. Тинимсиз нималарнидир сўрагани сўраган. Ҳамма нарсани билгиси келади. Тўғри, мен ота бўлолмадим, аммо бола тарбияси нима эканлигини тушунаман. Бола тарбияси ҳақидаги деярли ҳамма китобларда шундай дейилади: «Болалар ташқи дунё билан бевосита муло-

қотга киришиш жараёнида атрофидаги воқеликка қизиқиши орта боради ва катталардан муттасил ниманидир сўрайверади. Боланинг барча саволларига сабру қаноат билан жавоб бериш керак». Жиянларим мендан нимани сўрашмасин, тарбия борасидаги қоидага биноан худди олдимда болакай эмас, катта одам тургандек жавоб беришга ҳаракат қилардим. Халиги шумтака Фатош газетанинг бир жойини кўрсатиб сўраб қолди:

— Амаки, сунъий урчишти дегани нима ўзи? Газетада шундай ёзилибди.

Мен ўтирган жойимда тўлғониб, нима деб жавоб қилишни билмай қолдим. Аммо педагогика қоидасига биноан мен болаларнинг ҳамма саволларига батафсил жавоб беришим лозим.

— Бу... халиги... — дея аранг гап бошладим, — сенга нима десам экан... Мана масалан болаларни олайлик...

Ҳаммаси атрофимни ўраб олишди. Тўппа-тўғри оғзимни пойлашди.

— Хўш? — дея жавобни кутишди.

— Бу энди халиги... биронта она, болани ўзи дунёга келтирмоқчи бўлса... Агар у биргаликда болани дунёга келтириш учун отани тополмай қолса... Ана ўшанда... Мен терлаб кетдим. Хайриятки кичкинтой Эрол суҳбатга аралашиб мени кутқариб қолди.

— Амаки, «Ахлоқсиз ҳолат» дегани нима ўзи? Мана бу газетада ёзилибди: «Миршаблар уларни ахлоқсиз ҳолатда турганида қўлга олдилар».

Мен педагогика дарслигини ёзган муаллифлар бунақа саволларга қандай жавоб беришини билмайман. Улар боланинг ёшига мувофиқ ота-оналар тушунтириш ишларининг алоҳида шакли-шамойилини топишлари лозимлигини, аммо бунда албатта фақат тўғри гапни айтиш кераклигини таъкидлашади.

— Ахлоқсиз ҳолат дегани... — дея чайналаман, — бу халиги...

Болалар зўр иштиёқ билан тинглашди... Бас!.. Буниси энди ортиқча. Мени мутасадди-тарбиячилар кечирсинлар-у, ҳамма нарсанинг ўз меъёри бор. Яхшиси, болалар ахлоқсиз ҳолат дегани нима эканлигини... ўзлари шунақа ҳолатга тушмагунча... билмай қўя қолишин!

— Болалар, — дедим, — ахлоқсиз ҳолат дегани — бу бошқаларга ҳалақит бериб бақир-чақир қилишдир.

Энди Илдизнинг тили чиқиб қолди:


— Амаки, мана бу ерда ёзилибди: «У қизнинг ному-сига тажовуз қилди». Бу нима дегани?

— Юринглар сайр қилиб келамиз, — дедим.

— Йўқ, олдин халигини тушунтириб қўйинг! — дея болакайлар бараварига чувиллашди.

— Ўчир овозингни! — дедим кескин гапини бўлиб. — Уятсиз!

Ойдиннинг саволи ҳам-



Азиз НЕСИН

масиникидан ўтиб тушди:

— Амаки, болалар қаёқдан пайдо бўлади?

Мен гапни бошқа ёққа бурвормоқчи эдим, аммо Олтан чаққонлик қилди:

— Кўчадан топиб олишади. Тўғрими, амаки?

— Айрим болаларни кўчадан топиб олишади. Аммо ҳаммасини эмас.

— Фарияшлар уларни қанотида олиб келишади. Тўғрими? — деб сўради Илдиз.

Ҳаммаси ҳо-ҳолаб кулишди. Тўққиз ёшли жияним шундай писанд қилди:

— Амаки, сиз яхшиям ҳали уйланмагансиз.

Мен қизариб кетдим. — Нега энди бундай дейяпсан?

— Негалиги кўриниб турибди-ку! — жавоб қилди болакай. — Сиз халиям болалар қаёқдан пайдо бўлишини билмайсиз!

«Ахлоқсиз ҳолат» нималигиниям билмайсиз. Сиз ҳеч нарсани билмайсиз, амакижон. Э суф сизга! Кап-катта одамсиз-а!..

Улар қотиб-қотиб кулишди. Бошимни ҳам қилиб хонадан чиқиб кетдим.

Шодмон ОТАБЕК таржимаси

Ҳафтада бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар. Бу қофияли жумла бечора, камбағал деҳқоннинг кўнгили изҳори бўлиб ҳафтасига бир келадиган бозордан чамасидагидай наф кўролмаган одамнинг пушаймон-армониридир. Кўчма маъноси ҳам бўлиб, узоқ режалаштириб юрилган ишнинг фавқуллодда тўсиқлар билан амалга ошмай қолганидан ранжиш ҳолатидир.

Муқобили: «Ойда-йилда бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар». «Мен ўғирликка тушдим у ой ойдин бўлди» ва ҳоказо.

Жоним-отим. Жонфидолик, сидқидиллик, ихлос, зўр ишонч, эътиқод рамзи. Кексалар ёшларга насиҳат қилиб, йўл кўрсатганда, «бир иш қилсанг, сидқидилдан, жоним-отимлаб қил, қўл учида, хўжа кўрсинга, элқўрарга қилмагин», дейди. Жоним-отимлик — яхши тарбия кўрганлик, муайян иш, шахсга нисбатан ихлос ва садоқат тимсолдир.

Бошидан ўтганининг қошидан ўтма. Бу иборанинг маъноси чуқур, сермазмундир. Биров ҳаётида кўп машаққатлар чекади. Турли азоб-оқубатларга рўпара келади. Ноҳақ тўхмат, бевақт ўлим, турли фожиялар уни эзиб, букиб қўяди. Бундай одамларни халқ «бошидан кўп сав-

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

доларни кечирган, бошидан ўтган аччиқ тажрибали одамлар» дейди.

Иборанинг иккинчи қисми — қошидан ўтма, дейилгани — билиб-билмай бундай одамнинг кўнглини оғриتما, қалбига озор берма, ёнидан, яқинидан ўтганинда ва ҳар бир муомалангда ҳам эҳтиёт бўл, дея таъкидлашнинг тасвиридир. «Бошидан ўтган одам» келажак истиқболни ҳам яхши тушунади, у донишманд, пайғамбарсифат одам, қошидан ўтишда мана шунга ҳисобга ол, ҳурматини билиб, зиёрат қил, маънолари муқассам.

Кўз бўлмаса пешона балони кўрсинми? Дарҳақиқат, кўз бўлмаса, пешонанинг ўзи ҳеч нимани кўролмайдди. Халқ шу гапни тасдиқлаш учунгина бу иборани яратмаган. Одатда, ушбу ибора киноя, истеҳзо, аччиқ-тизиқ, норозилик оҳанглирида қўлланилади.

Кўра-била туриб, олдиндан оғоҳлангиларилмаганингиз ҳолда бошингизни бирор тўсиқга уриб олсангиз, кўлингиздаги чинни идишни сабабсиз тушириб синдирсан-

гиз, қўпол ҳаракат билан бировни дафъатан туртиб юборсангиз ва ҳоказо ҳолатларда катталар шу киноявий иборани ишлатадилар. Баъзан бу ибора ҳазил-мутойиба, кулги-юмор маъноларида ҳам қўлланилади. Муқобили: «Кўзми, пўстакнинг йиртиғи?».

Кўзи олма-кесак таради. Одатда ёш болалар фарқ пишиб турган боғ ёнидан ўтаётганда бу неъматларга безътибор ўтиб кетишолмайди. Олмани кўрган кўз дафъатан кесак, тош, қалтак қидириб қолади. Асл маъноси шундай олинган. Кўчма маъноси — салбий, танқидий оҳангда бўлиб, одамга нисбатан кўзи олма-кесак таради, деганда беҳаё, бешарм, кўзи қаттиқ атмалари мазмуни муқассам. Ибората рамзийлик, олма деганда жувонларга нисбат маъноси ҳам бор. Муқобили: «Кўзида ажинаси бор», «сур», «тегажоқ».

Қулогинг қани деса, оғзини кўрсатади. Одатда гўдак болаларга илк бор бу оғиз, бу бурун, бу кўз, буниси қўлоқ деб кўрсатиб ўргатишади. Бола ҳали сўзни ай-

толмасида онанинг ишораси-ю саволи билан сўралган аъзони ушлаб кўрсатади. Баъзан янглишиб, қулогинг қани деса, оғзини кўрсатади. Бу иборанинг биринчи маъноси. Мана шу ҳазиломуз ҳолат баёнидир. Иккинчи кўчма маъноси эса укв-сиз, эпақасиз, билимсиз, тажрибасиз, савияси паст одамга нисбатан қўлланилади. Содда, эпақасиз ва маълумот даражаси шу қадарки, оғзинг қани деса, қулогини кўрсатади, дея халқ бундай одамлар устидан кулади, танқид қилади.

Бурнидан баланд гапириб бўлмайди. Бу ибора жиззаки, гап кўтармайдиган одамларга нисбатан қўлланилади. Бундай шахслар ортиқча кибор, ўзига бино қўйган ёки тарбия даражасининг пастлиги тўғриси тўғри гап, танбех, насиҳатни тан олмайдилар. Яна бир маънодоши амали, дунёси, «ўлкаси» катта одамларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Маҳмуд САТТОРнинг «Ўзбекининг гапи қизиқ» китобидан олинди.

Китоб шарофига тикланган музей

Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн юртларни бирин-кетин забт этиб, Сирдарё бўйларига етиб келибди. Дарёнинг нариги бетида аҳолиси тўкин ва фаровон яшаётган шаҳар ҳақида маълумотга эга бўлиш учун айғокчи жўнатибди. Хуфя одамларнинг шод-хуррам, бозорларнинг эса тўкинлигини кўрибди. Дунё зийнатлари сочилиб ётган бу юртни малика бошқарар экан. Айғокчи ортга қайтиб, Зулқарнайнга бу ҳақда оқизмай-томизмай ҳикоя қилибди.

Шоҳнинг қизиқиши чандон ортмасин, «Жангни бой берсам, Искандар аёл кишидан енгилди, деган иснодга қоламан», дея маликага тухфалар жўнатиб, йўлида давом этибди. Босқиндан омон қолган ўша юрт бугун гуллаб-яшнаётган, водий дарвозаси ҳисобланган Поп экан.

Попнинг бой ўтмиши ҳақида ривоятлар кўп, ammo ҳақиқатлар унданда ҳайратланарли. 1989 йил май ойида туман ҳудудидаги Мунчоктепа археологик ёдгорликларини қазиш чоғида Поп сағанаси ёки Дану дафинаси деб номланган хазина топилди. Айни шу топилмалар ҳудудда нафақат тикувчилик, тўкувчилик каби хунар турлари, кулолчилик, сугорма дехқончилик ва шаҳарсозлик ҳам гуллаб-яшнаганини тасдиқлади.

Мустақиллик байрами арафасида Поп туманининг Фурумсарой қишлоғида этнография музейи қуриб битказилди. У 16-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчи-ю ўқитувчиларнинг икки йиллик меҳнати натижасида қишлоқ хуснига кўрк бағишлади.

— Ушбу музейнинг ҳар бир гишти мен учун қадри, — дейди мактаб директори Ҳалима Дадабоева. — Аслида уни қуриш режаси 1997-1998 йилларда пайдо бўлган. Бироқ амалга оширишга бироз вақт керак бўлди. 2008 йилда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўқиб чиқдим-у, қадим тарихни ўз бағрига яширган ҳудудимиз ва аждодлар аънасини давом эттираётган қишлоқдошларим олдида қарздорлик ҳиссини туйдим. Музейимизни шу китобга бўлган меҳрим ва аҳтиромим ифодаси сифатида қад кўтарган десам, муболага қилмаган бўламан. Бу асар юксак маънавий қиймати билангина эмас, меннинг ҳаётим билан бевосита боғлиқлиги туфайли ҳам қадридир. Халқимизни асосиз тухматларга гирифтор этган «ўзбек иши», «пахта иши» каби уйдирмалар авж олган кезларда Юртбошимиз билан юзма-юз бўлган эдим. Ушанда олган далдам мени ҳаётга қайтарди. «Мана кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади». Бутун дунёси қоронғу бўлиб турган, ёруғ кунлардан умидини узган аёл учун оталарча меҳр, оғаларча ишонч билан айтилган шу сўзлар мени шу кунларга омон-эсон етказди. «Ҳали ҳаммаси яхши бўлади». Яхши бўлганлигининг исботи шуки, бугун оддий қишлоқ аёлининг кўксига «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил»



эсдалик нишони порлаб турибди.

Фурумсарой этнография музейи қурилишида кўпчиликнинг меҳнати сингди. Жумладан, чодалик уста Жўрабой Мирзаматов ёнига ўйиллари Абдусатор ва Жаҳонгирни олиб, хайрли ишга ҳисса қўшди. Шунингдек, «Кўхнур» хусусий фирмаси раҳбари Воҳиджон Дўстназаров (музей лойиҳасини яратишда меҳнати аямган бу инсон қулғу кунларда «Шўхрат» медаллари билан тақдирланди), фурумсаройлик меҳнат фахрийси Раҳимберди ҳожи Абдураҳмонов, тадбиркорлар С.Ғаниев, Б.Қурбанов, Э.Алиқонов, З.Рустамов, Д.Эргашев, Ш.Жалолов, А.Обидовнинг хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Опаннинг таъкидлашича, ёнида елкадош бўлиб, бино пойдевори қурилишидан сўнгги пардозлаш ишларигача тиним билмай меҳнат қилган яна бир инсоннинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

— Шогирдим, кези келганда, маслаҳаттўйим бўлган бу йиғитни бутун мамлакат танийди, — дейди у фахр билан. — Фурумсарой кулолчилик мактаби аънаваларини хорижда ёяётган Ваҳобжон Буваев «Ташаббус — 2008» кўрик-танловидан юртбошимизнинг «Энг яхши хунарманд»и деб топилган. У «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан ҳам тақдирланди.

В.Буваев қурилиш жараёнидагина эмас, музейнинг тўртала бўлими учун экспонатлар йиғишда ҳам фаол қатнашди. Маълумотлар тўплади, юртимизнинг турли ҳудудларидан масканбоп ашёлар топди. Уларнинг жойлаштирилишида билимини ишга солди.

— Биринчи бўлимимизда ҳудуд тарихи, унда ривожланган ва давом этиб келаётган аънавий хунармандчилик турлари (дўппидўзлик, пичоқ-созлик каби), фурумсаройлик фахрийлар, иккинчи жаҳон урушида иштирок этган қишлоқдошларимиз ҳамда муқаддас қадамжоларга оид экспонатлар тўпланган, — дейди Ваҳобжон ака бизни музей бўйлаб айлантирар экан. — Иккинчи зал эса юртимиздаги кулолчилик мактабларига бағишланади. Чунки қишлоғимиз бевосита мазкур санъат тури билан боғлиқликда ривожланган, қолаверса, шу ерда махсус мактабга асос солинган. Бу ерда Фурумсарой,

Риштон, Андижон, Тошкент, Ғиждувон, Ургут, Бухоро, Мадир кулолчилик мактабларига хос ижод намуналари намойиш этилади. Навбатдаги бўлимга киришингиз билан хонликлар даври ҳаётига ўтиб қолгандек бўласиз. Хона мутлақо 18-19 асрга хос услубда безатилган. Тулумлар либоси ҳам шу даврга монанд тикилган. Охириги бўлим ўтган ўқув йилида вилоятда «Энг намунали мактаб» дея тақдирланган масканимиз тарихи, бугунги кун ва муваффақиятларидан сўзлайди. Ҳар бир экспонатни йиғиш жараёнида кўнглимизда бир истак хукмрон бўлди: эзгуликка йўғрилган ҳаракатларимиз натижасида ёшларимизда тарихимиздан фахрлиниш ва аждодларимизга муносиб бўлиш орсуси мустаҳкамлансин. Эндиги мақсадимиз экспонатлар сонини ошириш ва уларнинг сақланиш ҳолатини жаҳон музейларидаги шароитга яқинлаштиришдир.

Қизиқувчилар бир зумда суҳбатдошимизни саволга тутта кетишди. Биз эса қайта-қайта айлансак-да, тўймаётган музейимизнинг биринчи залига қайтамыз.

Бошга кадр, юракка меҳр берувчи Чуст дўппилари кўзни қувнатади. Дўппидўз Ҳалима Қосимованинг Юртбошимизга дўппи совға қилаётган лаҳзалари тарихга муҳрланиб, панноларга кўчибди. Тўрт авлоддан бери пичоқчилик хунарини эъзозлаб келаётган Раҳимжон Убайдуллаевнинг хон пичоқ, ошпичоқ, бола пичоқ, қассоб пичоқ ва ханжарлари музей учун махсус ясабди. Чап томонда 18-асрда гуллаб-яшнаган Фурумсарой қалъаси макети, ўнг тарафда эса Мунчоктепа, Ахсиқент ёдгорликларидан топилган экспонатларнинг фотосуратлари. Иккинчи залга ўтишдан олдин, албатта, Мунчоктепа ҳақидаги маълумотларни ўқийсиз. Кулолчилик санъатининг ўзига хос намуналари топилган бу қадамга ҳақиқатда маълумотлар бежиз бу ерга жойлаштирилмаганлигига ишонасиз. Чунки ҳар бир хона шундай маънавий занжир ҳалқалари билан бир-бирига туташган.

Мунчоктепа ҳақида айрим далилларга эътибор қаратсак. Мунчоктепа аслида тўртта бир-бирига туташган тепалик бўлиб, уларнинг икитаси пахта туфайли бузиб юборилган. Ҳозирда уларнинг ўрни қишлоқ хўжалик экинлари би-



лан банд. Қолган икитаси ҳам бутун қолмаган, шикастланган бўлса-да, бой археологик материаллар бермоқда. Хусусан, Сирдарё ёқалаб жойлашган Жанубий тепалик деб шартли равишда белгиланган яримой шаклидаги тепалик (ҳажми унча катта эмас, 70x25м) ва ундан чиққан топилмалар хорижлик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Поп сағанаси ер ости қурилмаси бўлиб, ичида бемалол юриш мумкин. Баландлиги 2 метр, сатҳи 15 кв. метрни ташкил қилади. Сағанана ҳаммаси бўлиб 47 та тобут қўйилган. Улар 5 қават, устма-уст қўйилган, 45 таси сараланган қамишдан ясалган бўлиб, ҳар хил ёшдаги эркак ва аёллар жасадининг қолдиқларидир. Ана шу тобутлардан 22 тасигина сақланиб қолган. Қамиш тобутлар ҳар бир жасадга мос қилиб ясалган. Қолган 2 таси узунчоқ сават шаклида бўлиб, уларда чақалоқлар дафн қилинган. Тобутларнинг сақланиш даражаси ва ўлчамлари турлича. Юқори қатордаги тобутлар пастдагига нисбатан анча яхши сақланган. Жасадларнинг тобут ичида жойланишини синчиклаб ўрганиш пайтида уч ҳолат археологлар диққатини тортди. Кўпгина марҳумларнинг боши остида матодан тикилган ёстиқча қўйилган. Баъзи ҳолларда эса ёстиқча ўрнини бир тутам гулпечак эгаллаган. Диққатни жалб этган иккинчи нарса — дафн этилган баъзи кишиларнинг бетига ипак парда ёпилган. Ва ниҳоят охиригиси, айрим жасадларнинг оёқлари махсус ипак лента билан бири-бирига боғлаб қўйилган. Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларнинг ҳаммаси шу ерда яшаб ўтган қадимги Фарғона аҳолисининг урф-одат ва диний қарашларидан келиб чиққан. Марҳумлар тобутларга уст-боши, қурол-яроғи, зеб-зийнат ва асбоб-усқуналари билан жойланган. Бундан ташқари, ёнларига саватда озиқ-овқат, қўй ва ҳар хил парранда гўштлари қўйилган. Мева-лардан шафтоли, ўрик, хурмо, гилос, ёнғоқ, хандон pista ва ерёнғоқлар мавжуд. Топилмалар ичида пахта кўсақлари алоҳида аҳамиятга эга. Кўсақлар ҳаммаси (4 та) уч чанокли бўлиб, кўпроқ Октябрь тўнтарисидан аввал Туркистонда экилган пахта навини эслатади. Топилмалар кулолчилик бу ерда яшаб ўтган аҳоли ҳаёти-

да муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Буни янгидай турган 80 га яқин идиш-товуқлар ҳам тасдиқлаб турибди. Улар кулолчилик чарҳида ва ёпма усулда ясалган бўлиб, баъзиларига жимжимадор қилиб гул солинган. Қадимги Поп аҳолиси орасида тўқимачилик алоҳида хунармандчилик соҳаси сифатида кенг ривожланган. Буни икки хил матодан (ипак, пахта) қилинган уст-бош қолдиқлари тасдиқлайди. Таъкидлаш кераки, ипакдан қилинган материаллар кўпроқ топилди, ҳатто иккита аёл қўйлаги бутунлигича сақланиб қолган. Бундай топилмаларни жаҳондаги манадан деган музей ҳам ўз кўргазмасига қўйишни орзу қилади. Ипак матоларнинг қилиги ҳам 3 хил: тўқ яшил, тўқ қизил, тўқ жигаррангдир. Тўқув дастгоҳининг қолдиқлари қадимда бу ерда марказлаштирилган тўқимачилик устоналари бўлганлигидан далолат беради. Йиғирув ишлари билан хотин-қизлар шуғулланган. Аёл тобутида уч-райдиган урчуқлар бунга мисол бўлади. Уларнинг шакли худди ҳозирги кунда сақланиб қолган урчуқларнинг ўзгинасидир. Топилмалар ичида энг кўпи мунчоқлардир. Улар ҳозир 10 минг донага етди. Мунчоқлар қимматбахо тошлардан, ҳайвон суяқларидан гоётада усталик билан ишланган. Баъзиларига хилма-хил гуллар солинган. Бундан ташқари, металл (темир, бронза) дан қилинган билагузуклар, сирғалар, узуклар топилди. Сағаналарда аёллар ўзларига оро беришда ишлатадиган сурмадон, ула-элик сақлайдиган қутчалар ҳам бор. Ҳозирги аёллар тароғидан фарқ қилмайдиган тароқлар, сочга тақилдиган тақинчоқлар ҳам мавжуд. Шунингдек, топилмалар ичида ҳар хил катталикдаги нақшли ёғоч идишлар, мураккаб камонлар, тарози паллалари, ҳайвон суяқларидан ясалган турли-туман қурол-аслаҳа дасталари, ўқ-ёй бўлақлари, жимжимадор нақш билан безатилган пичоқ дасталари бор. Сағананада қамишдан ясалган кўҳна мусика асбоблари, жумладан, қўшна топилди. У ёғочдан қилинган филоф ичида жуда яхши сақланган, ҳозирги этнографик қўшнайдан деярли фарқ қилмайди. Кўнчилик, пойабзал тикиш тарихига доир қимматли материаллар ҳам топилди. Айниқса, чармдан қилинган меш ва пойабзал тикиш қолипи диққатга сазовор.

Музей бўйлаб саёҳат хотирамизда кўплаб тарихий маълумотларни жонлангирди. Англикки, Фурумсарой этнография музейи шунчаки шўхрат учун қурилмабди. Гўзал юртнинг ўтмишини ўзида акс эттирган бу каби масканлар халқимиз маънавиятига хизмат қилади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Олий тоифали шифокор Мавжуда Маҳмудова билан суҳбат



рум, дастарбош, равочдан тайёрланган дориларни ҳам шифокор маслаҳатисиз ичиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳатто, денгиз карами, саримсоқ, селдерей, петрушка, укроп, тузланган бодрингни ҳам гинеколог рухсати билан истеъмол қилиш мумкин.

— **Унда ҳомиладор аёл қандай овқатланиши керак?**

— Ҳомиладор аёл ва ҳомилага шифобахш микроэлементлар сув билан ҳаводек зарур. Боланинг соғлом, бекам-кўст ривожланишида уларнинг ўрни жуда катта. Бу микроэлемент-

Шуни унутмаслик кераки, ҳомиладор аёл учун Е витамини жуда зарур. У бола тушининг олдини олади. Сут безлари фаолиятини яхшилаб, сут ҳосил бўлишида қатнашади.

Ундирилган бугдойда витамин Е жуда кўп. Уни пиширмадан истеъмол қилган маъкул. Бола тушиши хавфи бўлганда ҳар куни бундай бугдойдан 100 гр. истеъмол қилиш керак. Профилактика мақсадида 50 гр. етади. Уни гўшт қиймалагич ёки миксердан ўтказиб, озгина асал қўшиб нонга суртиб ейлади. Бундан ташқари, ҳомиладор аёл кўзи ёригунча 1 стакан

Бундан ташқари, токсикозда дон-дун, дағал тортилган бугдой нони, картошка еб туриш фойдали. Эрталаб сули ёрмаси бўтқаси, сут-қатик, қаймоқ, сметана, қайнатилган сабзавотлар, суюқ ош фойдали, аччиқ, қовурилган ва ёғли таомлардан сақланиш лозим.

— **Нега ҳомиладор аёлларда камқонлик кўп кузатилади?**

— Бир кеча-кундузда аёл организмда темирга бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан икки баробар кўп, яъни 18 миллиграммни ташкил этади. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларда бу рақам 33-38 миллиграммга етади.

да қайнатмаси соч тўкилишининг олдини олиб, ҳомиладор аёлнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Қарикиз соч илдизини бакувват қилади.

Ҳомиладорликда соғлом турмуш тарзига жуда эътиборли бўлиш талаб этилади. Бадантарбия билан шуғулланиш, меъда-ичак ишини яхшилайдиган машқлар яхши натижа беради.

Нонуштадан 2 соат олдин 1 чой қошиқ бугдой кепаци ивителиб еб турилса, ич равон келади. Шунингдек, эрталаб олма ва ётишдан аввал апелсин ейилса ҳам ич яхши юришади. Бундан ташқари сабзи шарбати ичиб турилса ҳам яхши.

— **Баъзи аёлларнинг сути кам бўлиб, бу гўдаги саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.**

— Эмизикли аёлларнинг қовурилган гўшт, қанд-шакар, қахва, қовун, помидор, олхў-

«Икки дунё»

Ўртасидаги аёл

— **Соғлом фарзанднинг дунёга келишида нима учун ҳомиладорлик муҳим давр ҳисобланади?**

— Ҳомиладорлик оналикнинг бошланишидир. Ҳар бир аёл учун бўйида бўлиб, боласининг дунёга келишини интизорлик билан кутиш — оналик саодати бўлиши билан бирга, катта масъулият ҳамдир. Негаки, аёл бўйида бўлган кундан ҳам руҳан, ҳам жисмонан ўзгаради. Бу юриш-туриши, хулқ-атвори, дунёқараши ва саломатлигига таъсир қилади. Шу боис ҳомиладорликнинг дастлабки ҳафталарида аёл ўзини ниҳоятда эҳтиётлаши лозим, бирор дардга чалиниши, нотўғри овқатланиши ҳомиладорликнинг оғир кечишига сабаб бўлади. Энг ёмони, бу туғилажак фарзанд саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шуни унутмаслик кераки, ҳомиладор аёл спиртли ичимликлар ичиши, тамаки чекиши ман этилади. Айниқса, билиб-билмай, ўзбошимчалик билан дори ичиши тақиқланади. Негаки, бу турли касалликлар масалан, асаб тизимининг зарарланиши, қон айланиш тизимининг бузилиши, юрак хасталикларига чалиниши эҳтимолдан холи эмас.

— **Кўпчилик бирор касаллик аломатини сезса, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дориларни қабул қилишга одатланган. Фарзанд кутаётган аёл шундай қилиши тўғрими?**

— Ҳомиладор аёлни нурунийларимиз бежиз икки дунё орасида турган фариштага киёслашмайди. Бунга тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда ҳам ҳомиладорлик аёл учун жуда нозик палла. Бир вужудда икки жоннинг яшаши қийин ҳолат. Бу пайтда турли ўзгаришлардан ташқари танада яшириниб ётган касалликлар бош кўтаради. Шунинг учун гинеколог врач маслаҳатисиз дори қабул қилиш ҳам мумкин эмас. Айниқса, бу пайтда жинсий безларнинг гормонал фаолиятини рағбатлантирувчи шифобахш гиёҳлар — қоқи ўт, қашқарбедадан тайёрланган дамламаларни ичиш тавсия этилмайди. Шу билан бирга бўтақўз, қора андиз, зубту-

ларни сабзавот ва мевалар, турли шифобахш гиёҳлардан олиш мумкин. Айниқса, олма ҳомиладор аёл учун жуда фойдали. Ҳар куни ҳеч бўлмаганда 2-3 дона олма еган аёл камқонликдан маълум даражада муҳофазаланади. Шу билан бирга наъматак, қичитқи ўт, қора смородина, лимон ва кўк пиёзда организмни мустаҳкамлайдиган ва турли касалликларга чидамлилигини кучайтирадиган фаол биологик моддалар мавжуд. С ҳамда В витаминлар бошоқлар, дуккаклилар, исмалоқ, помидор ва ачиткиларда бўлишини ҳамisha ёдда тутиш керак. Аёл саломатлигини маромида ушлаб туришда наъматак, қовоқ, қора смородина доривор мойчечак, пастернак ҳам жуда фойдали. Ундирилган бугдой, тухум сариғи ҳомиладорлар учун жуда зарур.

Кунгабоқар, ундирилган бугдой, кулупнай, жўхори, редиска, шолғомда кремний кўп бўлгани учун ҳомиладор аёлларга бу неъматларни тавсия этамиз.

Ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган калий қуритилган мевалар, исмалоқ, чўғда пишган картошка, қора смородина, анжир, наъматак, маймунжонда кўп. Шунингдек, ҳомиладор аёл организмда мис етарли бўлиши керак. Балиқ ва мол жигари, ундирилган бугдой, кўк сабзавотлар, майиз еб туриш мисга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

Гўшт, сут, тухум, кўк сабзавотлар, мевалар, дон-дунлар, чиннигул, занжабил марганецнинг манбаи ҳисобланади. Хром бузоқ жигари, ундирилган бугдой, пиёз, қарама, сули ёрмаси, кўзқорин таркибида кўп бўлади.

Мабодо, аёл организмда калций етишмаси, тишлар касалланади. Негаки, ҳомила она тишларидан калцийни «сўриб» олади. Мазкур элемент бола суякларининг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ўрик, узум, лавлаги, помидор, оқ бошли қарама, бақлажон, кўк пиёз, салат барги, нўхат, маймунжонда калций кўп бўлади.

Ҳомиладорлик даврида наъматакни қайнатиб, унга асал қўшиб ичиб юриш фойдали, чунки бу қайнатмада витамин С, В, РР, темир ва бошқа шифобахш моддалар кўп.

қайнатилган илиқ сувга яримта лимонни сиқиб, бир қошиқ асал солиб, ичиб туриши глюкоза қўшилган аскорбин кислотасининг бир марталик инъекцияси ўрнини босади ҳамда С витамининг бир кунлик меъёрини таъминлайди.

— **Ҳомиладор аёл нега кўнгли айниб, кўп қусади?**

— Бу табиий жараён. Ҳомиладорликнинг биринчи даврида токсикоз пайдо бўлади. Эрталаблари аёлнинг кўнгли айнийди, қусади. Натижада у озиб кетади. Қуввати камайиб, касалликка мойиллиги кучаяди.

— **Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Кўнгил айниши, қайт қилишни олдини олиш учун нонуштада мева ёки сабзавотларнинг шарбатини ёки бўлмаса лимонни сиқиб сувни ичиш керак.

Қичитқи ўт асал билан истеъмол қилинса, ментол томчилари ичилса, ялғизни дамлаб, анор суви қўшиб ичилса ҳам кўнгил айниши қолади.

Темир етишмаслиги натижада аёл камқонликка чалинади. Бундай аёлдан туғилган бола нимжон, касалликка берилувчан, инжиқ, асабий бўлади. Унинг тез-тез боши оғрийдиган, ичи дам бўлади, сочи сийраклашади, лабининг чети ёрилади. Бунинг асосий сабаби ҳомиладор аёлнинг овқати таркибида темир моддасининг камлиги ёки етарли даражада бўлса-да, С витамини тақчиллиги туфайли ошқозон-ичаклардан қонга яхши сўрилмаслигидир. Мол гўшти, жигар, тухум сариғи, кепакли нон, бугдой кепаци, қарама, майиз, ловия, нўхат темир моддасига бой. Сумалак ва ҳалимда ҳам темир моддаси кўп.

— **Ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги сочининг тўкилишидан шикоят қилишади. Бунинг сабаби нимада?**

— Соч тўкилиши организмда кремний микроэлементи етишмаганида келиб чиқади. Бунда кремнийнинг ўрнини тўлдирадиган маҳсулотларни истеъмол қилиш керак. Газан-


ри, анжир, шоколад, апелсин, мандарин емаганлари тузук. Қовоқ, кулупнай, асални ҳам қамайтирган маъкул.

Сутни кўпайтириш учун кепакли нон, зира, арпабодийён, сут, сутли чой, сабзи шарбати тавсия этилади.

— **Ҳомиладор аёлларга яна қандай тавсияларингиз бор?**

— Омон-эсон туғиб олай десангиз, аввало, камроқ ётинг, кўпроқ ҳаракатда бўлинг. Дам олиб-дам олиб ҳовли супуринг, пол артинг. Зинҳор оғир нарса кўтарманг, от, велосипед минманг, сакраманг. Паст пошналар пойабзал кийинг. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида чўзиладиган машқлар қилманг. Айниқса, баланд дорга кир ёйишга эҳтиёт бўлинг. Дарахт шохларига чўзилиб мева узманг. Бунда ҳомила нотўғри туриб қолиши, натижада турғуқда асорат пайдо бўлиши мумкин.

Суҳбатдош:
«Ishonch» мухбири
Амина ҚОДИРОВА



Хушхабар



Байроғимиз яна юксакда

Эрон пойтахти Техрон шаҳрида катталар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли эшак эшувчилари совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун куч синашди.

Мусобақада муваффақиятли қатнашган ўзбекистонлик спортчилар 2 олтин, 7 кумуш ва 9 бронза, жами 18 медал соҳибига айландилар.

Канозда эшак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида қутилганидек касабани уюшма спортчилари Вадим Меньков ва Мерей Медетов дуэти 500 метр масофани пешқадамлар сафида кесиб ўтиб, олтин медалга сазовор бўлди. Мазкур жуфтлик бир километрга ўтказилган беллашувларда кучли учликдан жой олди ва терма жамоамиз ҳисобига яна бир медал — бронза кўшиб қўйишди.

Яна бир вакилимиз Герасим Кочнев 1000 ва 500 метрга ўтказилган яккалик баҳсларида кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Бир километрга тўртликлар пойгасида Герасим Кочнев жамоадошлари — Серик Мирбеков, Дилшод Йўлдошев, Мирзиёд Ҳожиёв билан ҳамкорликда кумуш медалга эришди.

Байдаркачиларимиз ҳам мухлисларни хушнуд этишди. Юлия Борзова 500 метрга байдаркада эшак эшиш бўйича яккаликлар ўртасида маррага учинчи бўлиб келиб, олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

ди. Юлия Борзова 200 метрга эшак эшишда ҳам шундай натижани кўрсатди. Шунингдек, жамоадоши Екатерина Шубина билан ҳамкорликда жуфтликлар баҳсида биттадан кумуш ва бронза медалга лойиқ топилди.

Эркалар ўртасидаги мусобақада Вячеслав Горн маррага иккинчи келган бўлса, Алексей Мочалов кучли учликдан жой олди. Жуфтликлар ўртасидаги пойгаларда Алексей Мочалов ва Сергей Борзов дуэти биттадан кумуш ва бронза медалга эга бўлди.

Осиё чемпионатининг ўсмирлар ўртасидаги мусобақалари моҳир эшак эшувчиларимизга муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганини кўрсатди. Канозда бир

километрга эшак эшиш бўйича тўртликлар мусобақасида спортчиларимиз — Элёр Мамадалиев, Муроджон Азметов, Элдор Қажумов ва Игорь Каргаполов маррага биринчи келиб, олтин медал билан тақдирланди.

Байдаркачилар ўртасидаги яккалик мусобақаларида Максим Силантьев бир километрлик масофани иккинчи бўлиб босиб ўтди, Акмал Ваҳобов эса 200 метрга ўтказилган пойгада кучли учликдан жой олди. Шунингдек, бир километрлик пойгада Сергей Бухальцев ва Марлен Саидяхёев дуэти маррага иккинчи келди, тўртликлар баҳсида муваффақиятли қатнашган Максим Силантьев, Акмал Ваҳобов, Артур Том ва Александр Мочалов учинчи погонани эгаллади.



Сузиш

Индонезиянинг Палембанг шаҳрида сув спорти бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида моҳир спортчимиз Собит Амилов 100 метрга комплекс усулда сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Данил Тулупов эса эркин усулда сузиш бўйича 50 ва 100 метрлик беллашувларда олтин ва кумуш медал соҳибига айланди.

Бизда олтин медал бор

Турли масофаларга чалқанча сузишда Сергей Панков ва Данил Букин икитадан бронза медаллар эгаси бўлишди.

Эркин усулда сузишда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Собит Амилов, Данил Тулупов, Пётр Ромашкин ва Дмитрий Швецов умумий ҳисобда иккинчи натижани қайд этди. Комплекс сузиш эстафетасида эса Сергей Панков, Данил Тулупов, Пётр Ромашкин ва Дмитрий Швецовдан таркиб топган жамоамиз кучли учликдан жой олди.

От спорти

Чавандозлар баҳси

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Жокей» от спорти клубида Ўзбекистон шахсий кубоги мусобақалари якунига етди.

Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри от спорти мактаби ва клублари вакиллари — етмишга яқин чавандоз ўртасида беллашувларда тусиклардан сакраб ўтиш, от йўрттириш, икки кураш каби мусобақалар бўлиб ўтди.

Қизилқум мусобақа якунига кўра от йўрттириш бўйича Тошкент вилояти вакили Елена Чеслякова «Секрет» лақабли отида биринчи ўринни эгаллади. Тусиклар оша сакрашда етти ёшдан катта отлар ўртасида Тошкент вилояти вакили Иброҳим Йўлдошев «Градус» лақабли отида ва беш ёшдан етти ёшгача бўлган отлар ўртасида наманганлик Аъзам Толибоев «Ремтекер» лақабли отида мутлоқ голибликни қўлга киритди.

Биатлон

Очиқ чемпионат

Чирчик шаҳридаги «Жалолiddин Мангуберди» спорт мажмуасида ўтказилган ёзги биатлон бўйича Осиё очиқ чемпионати якунланди.

Беш кун давом этган мазкур чемпионатда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларидан ташқари, Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон, Чехия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлатларидан келган спортчилар ўзаро куч синашди.

Қизгин ва муросасиз кечган баҳсларда ўсмир қизлар ва қизлар ўртасида ҳамюрт-

ларимиз Марина Хмелевская, Дармонжон Рўзматова, Дилафрўз Имомхусанова, Алина Аюпова, ўсмирлар ва эркалар ўртасида Руслан Носиров, Жамшид Тиллаев, Аликбер Юнусов, Икром Аҳмадбоевлар муваффақиятли иштирок этди.

Шунингдек, қизлар ўртасида қозоғистонлик Галина Вишневская, Наргиз Игли-

ОФК кубоги — 2011

Осиё кубогининг ярим финалида ўз уйида тўп сурган «Насаф» футболчилари 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар. Иордания пойтахти Аммонда «Ал-Вихдат»га қарши жавоб учрашувида юртимиз вакиллари 1:1 ҳисобидаги дурангга имзо чекишди ва шу тариқа финал йўлланмаси қўлга киритилди.

ФУТБОЛИМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА



Ўйиннинг 11-дақиқасида Абдулла Дийбнинг жарима зарбасидан кейин олдинга чиқиб олдилар. Шундан сўнг «Насаф» ҳужумкорликни оширди. Бу эса ўз самарасини берди. 62-дақиқада Андреас Переплёткиннинг ўнг қанотдан ошириб берган тўпини дарвоза тўрига жойлаб қўйган Иван Бошкович амалда ўз жамоасига финал эшигини очиб берди. Учрашув шу ҳисобда якунга етди.

Этиборлиси шундаки, ҳали ҳеч бир клубимиз ОФКнинг финалида тўп сурмаган эди. Яна бир муҳим жиҳат — финал учрашуви 29 октябрда Қарши шаҳрида жойлашган «Марказий» ўйингоҳида бўлиб ўтади. Унда вакилларимиз Қувайтнинг «Қувайт СК» клуби билан беллашади.

Ўзбекистон кубоги — 2011

Пахтакор — финалда!

Ўзбекистон кубоги ярим финал баҳсларининг дастлабки учрашувида «Шўртан» ва «Пахтакор» Фузурда 1:1 ҳисобида дуранг қайд этган эдилар.

Жавоб учрашувида ҳар икки томон ҳам анча ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Лекин дарвозалар дахлсиз қолди. Меҳмонда киритилган гол эвазига ғалаба қозонган пойтахтликлар кубокнинг финал баҳсида «Насаф» билан ўзаро ҳисоб-китоб қилади.

ПФЛ — 2011

«Бунёдкор» — чемпион!

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида мuddатидан олдин чемпионликни қўлга киритди.

Йигирма учинчи турда ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилган «Бунёдкор» рақиб ҳимоячиларини доғда қолдирган истеъдодли ҳужумчи Камолиддин Мурзоевнинг ягона голи эвазига ғалаба қозонди.

Ушбу ғалабадан сўнг жами 58 очко жамғарган «Бунёдкор» чемпионат якунланишига уч тур қолганида чемпионликни нишонлади. Тўртинчи маротаба миллий чемпионатда голиб чиққан «Бунёдкор» жамоаси келаси йили Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ҳозирча қаршилик чарм тўп усталари 45 очко билан иккинчи погонани банд этган бўлса, «пахтакор»чилар 44 очко билан учинчи ўринда.

Тўртинчи поғонада турган «Нефтчи» футболчиларининг бу галги мағлубиятидан унумли фойдаланган Муборакнинг «Машъал» жамоаси очколарини фарғоналикларга етказиб олди. «Машъал» вакиллари ўз мухлислари кўз ўнгига «Анджон» дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди ва 37 очко билан кучлилар сафида бормокда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Олмалик» (Олмалик) 5:2, «Металлург» (Бекобод) — «Шўртан» (Фузор) 1:1, «Бухоро» (Бухоро) — «Кизилқум» (Зарафшон) 2:1.



та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозоғистон ва Россия биатлончилари эгаллади.

Саҳифани «Ishonch» муҳбири Адхам АРСЛОНОВ тайёрлади.

Халқаро касаба уюшмалари фаолиятидан

Россия денгизчилар касаба уюшмасининг хабар қилишича, «SC Atlantic»

саёҳат кемаси экипажи уч ойдан буён маош олаётгани йўқ. Иш берувчи амалдаги жамоа шартномаси шартларига хилоф равишда вазиятни изга солишдан бўйин товламоқда. Хабарда Россия денгизчилар касаба уюшмаси денгизчиларга ёрдам кўрсатишга тайёрлиги айтиб ўтилган.

Хавфли вазият

Кема 2010 йилдан буён Россиянинг «S-Continental» компанияси бошқаруви остида Болтиқ денгизи бўйлаб саёҳатлар уюштириб, Россия қонунчилиги талабларига биноан фаолият юритади. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган жамоа шартномаси эса экипаж учун қўшимча ҳимоядир. Унда денгизчиларнинг ойлик иш ҳақлари халқаро стандартлар даражасида бўлиши лозимлиги қайд этилган. Яқин вақтгача денгизчилар кемада хизмат қилишдан мамнун эдилар.

Аммо, кеманинг Эстония ҳудудига ўтиши ҳақидаги хабар пайдо бўлгач, экипаж хавотирга тушди. Ахир, бегона портда маош олиш осон бўлмайди. Натижада денгизчилар касаба уюшмасига мурожаат қилишган. Масаланинг чигал томони, ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг муаллифи ҳозирча маълум эмас. Ишдан айрилиш қўрқуви туфайли денгизчилар исмларини маълум қилишдан бош тортишмоқда. Бу эса иш берувчига қўл келиб, маош тўлови бўйича ҳеч қандай муаммо йўқлигини таъкидламоқда.

РДКУ денгизчиларга жамоа шартномасида кўзда тутилганидек, ушбу вазиятда ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ва кема-ни денгизга олиб чиқмасликни тавсия қилган.

Россия

Ташриф якунланди



Куни кеча Халқаро меҳнат ташкилотининг Россия Федерациясига ташрифи якунига етди.

Ташриф 10 октябр куни бошланган бўлиб, ундан мақсад Россия меҳнат Конфедерациясига аъзо ташкилотларда касаба уюшма ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан юборилган шикоятни кўриб чиқиш эди.

Россия меҳнат Конфедерацияси Президенти Борис Кравченко текширув жараёни ва якуни юзасидан журналистларга, жумладан, шундай деди: «ХМТ миссияси натижаларидан мамнунмиз. Булар, албатта, оралик натижалардир. Чунки миссия эндигина ўз ишини бошлади. Айни пайтда масалани чуқурроқ ўрганиб чиқиш учун зарурий ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бу ҳужжатлар ХМТ экспортлари ва бошқа ташкилотларга шикоятни кўриб чиқишда биз билан ҳамкорликда ишлаш имконини беради. Шикоят ва ХМТ текширувнинг диққат марказида асосан мамлакатимиздаги касаба уюшмалари фаолияти, меҳнаткашларнинг мустақил касаба уюшмалари тузиш билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланиши муаммолари турибди. Мавжуд муаммолар юзасидан комиссияга тақдим қилган ҳужжатлар ХМТ вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу эса, албатта, ишнинг самарали якунланиши ва ҳолис хулосалар чиқарилишига асос бўлади».

Нидерландия

PHILIPS

Нидерландиянинг дунёга машхур «Philips» электротехник маҳсулотлар концерни маъмурияти 4500 та иш ўрнини қисқартириш режаштирилади деганини хабар қилди. Маълум бўлишича, бу қарорга компания фойдаси йилнинг учинчи чорагида 84 фоизга камайгани сабаб бўлган.

«Philips» иш ўринларини қисқартиради

Хўжалик жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилик қилувчи бу компания йилнинг бу чорагида 76 миллион евро фойда олган. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 524 миллион еврога ташкил қилган эди. Компания маъмурияти ушбу салбий «ўсиш»га сотув ҳажмининг камайиб кетганлиги, шунингдек, заводларнинг қайта ташкил қилиниши ҳамда хом ашёга кўп маблағ сарфланаётганини сабаб сифатида кўрсатмоқда.

Хабар қилинишича, Нидерландиянинг ўзида тахминан 1400 иш ўрни қисқаради. Бу концерн корхоналаридаги ишчилар умумий сонининг ўн фоизи демакдир, дейди компания касаба уюшмаси вакили. «Philips» маъмурияти вакилининг аниқлик киритишича, қисқартириш асосан компания бошқарув тизими ҳамда кадрлар бўлимлари ходимларига алоқадор. Хорижий филиаллардаги қисқартиришлар сони эса ҳозирча маълум эмас.



Исроил

Исроилнинг Иерусалим шаҳрида трамвайлар қатнови бошланди. 17 октябрда компания ишчиларининг норозилиги туфайли автокорхонада ярим кун иш тўхтаб қолган эди.

ТРАМВАЙЛАР қатнови тикланди

Шаҳар маъмурияти Исроил Меҳнат низолари судига мурожаат қилганидан сўнг суд «Сити-Пасс» автокорхонаси бошқармаси ва ишчилари ўртасида музокаралар бошлаш тўғрисида ҳукм чиқарди ва ҳайдовчилар яна ишга қайтишди.

Гап шундаки, «Сити-Пасс» косорциуми шаҳар трамвай парки ҳайдовчилари билан меҳнат шароити юзасидан музокара бошлаш, йил бошида эса касаба уюшмаси билан жамоа шартномасини имзолаш бўйича таклифларни рад этган эди.

Испания

Ёшлар ITF байроғи остида

Испаниянинг Мадрид шаҳрида бутун дунё ёш транспортчиларининг ҳафталик ўқув курси якунланди. Халқаро транспортчилар федерациясининг (ITF) бу йилги ўқув курси мавзулари хилма-хил бўлди. Вақтинчалик бандлик ва хавфсиз меҳнат шароити, касаба уюшмалари фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда иш жойларида ёшлар ташкилотлари масалалари шулар жумласидан.



ITF томонидан белгиланган масъул шахслар ҳамда алоҳида таклиф этилган меҳнат муносабатлари бўйича мутахассислар раҳбарлигида ёш касаба уюшма фаоллари мавжуд вазиятни ўрганиб, уни яхшилаш юзасидан турли режалар ишлаб чиқишди.

Курс сўнггида ITF бош котиби Дэвид Кокрофт Мадрид ва Лондон шаҳарлари ўртасида ташкил этилган видеоконференция орқали ёшларга муваффақият тилади. Шунингдек, у касаба уюшмалари ҳаракатининг ривожлантирилиши ва кучайтирилишида ҳозирги авлоднинг муҳим ўрин тутуши ҳамда ITF ёшлар дастурининг асосий масалаларидан бири эканлигини алоҳида айтиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агробанк» ОАТБ Бошқарувининг 2011 йил 6 июндаги 109-к-сонли қарорига асосан, «Агробанк» ОАТБ Чиноз филиалига тегишли, Тошкент вилояти Чиноз тумани Ш.Рашидов кўчаси, 20-уй манзилида сақланаётган «ВАЗ-21053-120-31» русумли, давлат рақами 10 192 NAA бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 163 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 21 ноябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 21 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 24 ва 28 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан ту-

зиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш.,
Олмазор т.,
1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.
Телефон: 228-79-52.
www.rkmb.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари Кенгашлари Металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Шавкат Адилловга падари бузруквори

ҚОБИЛ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Биз — бунёдкор халқимиз» фототанловига



Сайёра Қаюмова уста-зардўз. У ўз хунарининг сирини миридан-сиригача мукамал эгаллаган. Ахир бир хунар билан 40 йилдан бери шуғулланишининг ўзи бўладими?!


— Бу хунарни 23 ёшимда ўрганганман, — дейди онахон. — Устозимни Замира она дейишарди. Асли гиждунликман. Бухорога келин бўлиб тушгач, зардўзлик хунарини ўргандим. Етти нафар қиз ва бир нафар ўғлим ва 23 неваро-ю, 2 эварам бор. Худого шукур, шу хунар орқасидан бахтли ва фаровон яшаймиз. Зардўзлик ва каштачилик билан шуғулланаётган учинчи авлодимиз.

Дилором Рўзиева ҳам устоз-зардўз. У Сайёра опанинг якка-ю ягона келини. Уни кичик зардўзи тўнча тикаётган ҳолатида учратиб, суҳбатга тортдим.

— Бу тўнча уч кунда битади, — дейди зардўз. — Турмуш ўртоғим Фахридин Қаюмов қадимий патдўз уста. 30-40 турдаги сўзаналар, келин сарполар, кўпчилик киядиган тўртбурчак тошчали дўппилар, новвоти дўппилар тикамиз. Новвоти дўппини фақат Бухорода келинлар кияди. Қизлар сепларига 10 хил дўппи ва кўйлак олишади. Ким нима хоҳласа, тикиб бераймиз. «Ипотека банки»нинг Бухоро вилоят филиалидан ҳисоб рақами ҳам очдик. Россиядан интернет орқали буюртма олаймиз. 40 дан ортиқ шогирдларимиз бор. Маҳалладаги қизларни иш билан таъминлаймиз. «Арслар садоси» фестивалида иштирок этган кўплаб хорижлик меҳмонлар Бухоро санъатига яна бир қарра қўйил қолдилар.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

«Юрт таянчи» муаммонома ва айланма кроссворди



Шакл айланаларидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни куйида таърифлашиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топиб, жавоблар асосида ҳарфлар билан алмаштириш орқали билиб олинг.

1. Ихтиёрдаги мол дунё, ер-сув, иморат қабиларга эгалик қилувчи, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш тамойиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс — 12, 6, 14, 4, 13, 10, 8.
2. Ўзига қарашли ёки узоқ муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалик қорхонаси эгаси — 23, 21, 8, 12, 21, 8.
3. Хориждан келтирилган товардан расмий равишда белгиланган ҳақни олиш билан шуғулланувчи идора, пост — 9, 10, 19, 22, 10, 3, 1.
4. Сотиб ёки буюртма орқали олинган нарса, бажариладиган иш учун олдиндан бериладиган ҳақ — 18, 1, 4, 1, 14, 1, 5.
5. Ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдирилган омонат нарса — 11, 1, 8, 10, 16.
6. Маҳсулотта унинг номи, ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги маҳсулотлар ёзилган маълумот қоғози — 24, 8, 14, 2, 25.
7. Давлат томонидан амалдаги қонунлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади ёки мол мулкидан ундириладиган ва бюджетга ўтказиладиган тўлов — 7, 10, 14, 2, 25.
8. Маҳсулотни ёлланган хунарамандлар томонидан маълум қорхоналар буюртмаси асосида хонадонда ишлаб чиқариш усули — 4, 1, 7, 1, 3, 1, 17, 2, 14, 2, 4.

9. Савдо ва саноат ташкилотлари, тижоратчилар, ишлаб чиқарувчилар, матлуботчиларнинг асосан кўргазмага қўйилган товарларни улгуржи сотиш ҳамда сотиб олиш мақсадида даврий равишда ўтказиладиган йиғини — 20, 8, 12, 1, 8, 4, 1.
10. Вақт ўлчови бирлиги — 15, 2, 14.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан рақам аτροφига соат мили йўналишида: 1. Пул маблағи иштирокисиз бевосита товарга товар айрибошлаш ва шу ҳақдаги шартнома. 2. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган иқтимоий меҳнати. 3. Бирор кимса ёки ташкилотта тегишли бино ҳамда иншоотдан маълум ҳақ тўлаб фойдаланувчи. 4. Бирор мақсад учун қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият. 5. Қорхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган малакали ёлланма бошқарувчи. 6. Фойда қайтариш шarti билан, вақтинча фойдаланиш учун пул ёки моддий маблағлар бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими. 7. Қонун-қоидага хилоф хатти-ҳаракат ёки етказилган моддий зарар учун ундириладиган маблағ. 8. Муайян давлатнинг пул бирлиги. 9. Дунё иқтисодиётида мавқега эга бўлган валюта. 10. Фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон. 11. Халқ хўжалигининг муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоғи. 12. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни қулай шaroитда ишлаб чиқариш ва юқори фойда олиш, ўз мақсадини мустаҳкамлаш борасидаги кураш. 13. Вазн ўлчови ас-

боби. 14. Икки ёки бир неча шахс ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган битим. 15. Тўловдан ортган ва эгасига бериладиган пул. 16. Пластик картчалар ёрдамида ишлайдиган, турли ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган қурилма. 17. Бозор иқтисодиёти шароитида машина-ускуналар харид қилиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инженерлик хизматларини кўрсатиш учун танлов асосида буюртмалар бериш. 18. Амалга оширилган фаолиятдан давлат ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган соф пул ёки бошқа хил тушумлар. 19. Товарни доналаб ёки кичик тўпи билан сотиш. 20. Қундалик зарур рўзгор моллари ва озиқ овқатлар сотувчи майда савдогар. 21. Инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд захираси. 22. Ички бизорда сотиш ёки учинчи бир давлатта транзит қилиш учун мамлакатга чет эллардан товар, хизмат, қимматли қоғозлар киритиш. 23. Асосий ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қарзни аста-секин узиш шarti билан узоқ муддатли ижарага бериш ёки олиш. 24. Бино, машина қабиларни бунёдга келтириш учун тайёрланган ҳужжатлар мажмуи. 25. Амалга оширилган ишлар ҳақида тегишли ташкилотта топшириладиган ахборот. 26. Қурилманинг таянчини ташкил этувчи қисми. 27. Бирор шахснинг ёлғиз ўзига қарашли бўлган мулк. 28. Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил толган саноат ёки савдо уюшмаси. 29. Бирор ташкилотта бошчилик қилувчи, лавозимли шахс. **Фозилжон ОРИПОВ**



oliy baxt

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

- Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga qo'ng'iroq qiling:

Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo'limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:

- Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog'iston Respublikasi
va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.
Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3.
Hajmi 4 bosma taboq.

Manzilibiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy.
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning shanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda
«Ishonch»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar h belgisi
ostida chop etiladi.



E-mail: ishonch
2011@gmail.com

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzilli: «Buyuk
Turon» ko'chasi, 41-uy

Navbatchi muharrir:

J. Sharoffboyev

Navbatchi:

S. Abdurahmonov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi-
dizayner:
H. Abdjalilov

Bosishga topshirish
vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.30

Buyurtma Γ-1011

Tiraji: 13284

ISSN 2010-5002

1 3 4 5